

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган



ҚАЛБЛАРНИ МАЪРИФАТ НУРИ ЁРИТСИН!

Кеча Ойдинонинг ҳасратини эшитиб, Муаззам опанинг кўнгли увишди: "Беш болали эркекнинг энди ёшаргиси келиб қолибди-да. Оиласини ташлаб, бошқа аёл билан қўлашиб кетибди-я! Эртанги кунини ўйламабди-да..." Муаззам опа аёлга қандай ёрдам беришни ўйлай бошлади. Яқинда "Оила ва жамият" газетасида чиққан худди шундай хиёнаткор эркекнинг охири нафасида хор бўлгани ҳақидаги мақолани эслади. Ҳозиргина ўқигани Азимжон Қосимовнинг "Завҳамга мактублар" давомли мақоласини ҳам қўлтигига қисганча Ойдинонинг эрининг ишхонасига йўл олди. Хайрият, ишхонада экан. Уни бир четта чақириб, вазминлик билан аввало унинг "шахсий иши"га аралашаётгани учун уэр сўради. "Унинг шахсий иши" бошқа бир неча одамнинг тақдирига ёмон таъсир қилаётгани ҳақида гапирди. Қолаверса, улар -ўзининг гулдек болалари, 30 йил унинг бору йўғига сабр қилган хокисор, оддийгина рафиқаси эканлигини куйиниб таъкидлади. "Отанинг, бош эганинг тутган йўли тўримикин?"-деди, бу ҳақда ўйлаб қўришини илтимос қилди. Сўнг қўлига халиги мақолалар ёзилган газеталарни тутқазиб, ўқиб чиққан қайтариб беришини айтди-да, изига қайтди...

Орадан бир ҳафта ўтди. Муаззам опа Ойдинонинг эрига энди сим қоқмадан деб турганди, ховлига Ойдинонинг ўзи кириб келди. У қўзида ёш билан келиб, Муаззам опанинг бағрига бошини қўйди: "Қиёматли оламси энди! Эрим келиб, кечириб сўради. Ҳозир кенжатоийимизнинг ўқишидан хабар олиш учун мактабига кетди. Мана бу газеталарингизни эса раҳмат айтиб, бериб юборди. Узи ҳам шу газетга бориб обуна бўлиб келибди. Аёлнинг шодлиги Муаззам опага ўтди. Яна битта оилани бутлашга хизмат қилган газетасини бағрига босди-да, буй баравар келадиган газеталар тахламига қўшиб қўйди.

Ха, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги маҳалла ахли Муаззам опа Саидовани "газетачи опа" дейишди. "Бундан чиқди, опа кутубхоначи экан-да", - деб ўйлашингиз мумкин. Қисман ҳақсиз. Опанинг ертўласида девор баравар йиғилган "Оила

ва жамият" газетаси тўғрисида кўриб, қалбим гурғурга тўлди. Энг қувонарлиси, муҳлисими газетани ўқиб бўлгач, ўзи меҳнат қилаётган 3-сон мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларини ҳам, маҳалла ахлини ҳам бу имкониятдан баҳраманд қилади. "Соғлигингиз-бойлигингиз" рўқни остида чиқадиган тавсияларни эринмай бирма-бир синаб, ўрни келганда бошқаларга ҳам қўлаб, дардини арилади. Ҳаётда гангиб, ўз йўлини тоғолмай юрганларга ҳам газетадagi мақолалардан ечим топишига ёрдам беради.

- Муаззамхон билан Қарши Давлат Педагогика институтида бирга ўқиганимиз, -деди Бекмурод ака Рўзиев. - Севишиб турмуш қурганимиз. Шунга ҳам 30 йил бўлибди -қўзи очиб юмғунчаллик вақт! Муаззамхон талабалик йилларида ҳам газеталардаги мақолалар орқали барчанинг муаммоларига маҳкам бўлиб юрди. Ундаги бу фазилатни кўриб мафтун бўлиб қолганман. Муаззамхон халигача "ЎША-ЎША"! Ҳаммага жонкуяр, меҳрли... Аммо ҳеч қачон газетасининг бирор сонини йўқотмайди, берган одамидан олиб, жойига қўймагунча жони ичига тушмайди. "Бу ҳали яна қанча одамнинг кўнига ярайди!" дейди. Унинг одамийлигини, оддий ва соддалигини жуда-жуда қадрлайман. Тақдир мени шундай инсон билан учраштираганига шукрона айтаман. У шунга лойиқ!

- Ойим бизни хато қилсак-да, ҳеч қойиманлар, - дея бирма-бир жилмайиб гапириб беришдади ўғиллари Қаҳрамонжон ва Отабекжон. - Аммо қўлимизга газетани тутқазиб, то ўқиб, фикримизни айтмагунимизча ўрнимиздан турғазмасдилар. Агар хулосамиз "чатқок" чиқса, тўғрилаб қўядилар. Мабодо хатони яна такрорласак, ўша мақолани 10 қарра ўқитардилар. Албатта бундан кейин фикрда барқарорроқ бўлардик. Ойим ҳозир иккала келинларига ҳам газеталар орқали маслаҳат берадилар. Менимча, ойимнинг тутган йўлларини барча қайноналар

қўлашса, ҳеч ким ҳеч қимдан хафа бўлмайди. Бизга ҳам бу ёқади.

- **Аваламбор, газетамизга илҳосингиз баландлигидан бошимиз кўкка етди. Қолаверса тўғрилиб ўсган оилангизда ҳам ҳамма газетга ўқини яхши кўраимизми? - дейман опанинг кўнглига қўл солиб.**

- Албатта. Онам-Норбуви ая 40 йилдан ошқиб она тили ва адабиёт фанидан мактабда дарс берганлар. Ҳозир нафақадлар. Оилада 4 ўғил 4 қиз газеталардаги ибратли мақолалар, Ҳадислар, ибратли ҳикоятларни эшитиб вояга етдик. Тўртала қиз ҳам букун ўқитувчи бўлиб ишляпмиз. Қизим Юлдузхон ва келиним Дилнозахон ҳам ўқитувчи. 7 нафар набирам бор. Ажаб эмас улардан ҳам адабиётчи чиқиб қолса...

- **Ўзингиз оила бекаси сифатида нималарга амал қиласиз?**

- Очиғи, биз турмуш ўртоғим билан ҳамма нарсани нолдан бошлаганимиз. Борчилик-йўқчиликларга ҳам сабр қилганимиз. Оилада бўладиган тушунмовчиликларни ёлғиз ўзимиз билардик-ё улар томон,ё биз томондагилар оилавий ташвишларимиздан ҳеч қачон хабар тоғилмаган. Шўқ, ҳозир бировдан кам эмасмиз. Болаларимиз ўқимишли, одамларнинг оғирини енгил қилишга доим шай туришдади. Менинг бу ҳаётдан топган ҳикматим маърифат нури кирган масканини обод қилади. Дардингизга шифо, танангизга дармон, руҳий қувват, келажакка ишонч, умид беради-ғамингизни арилади. Ниятим - ҳаётда инсон севиб, севилиб турмуш курсин ва ҳамма нарсага ўз кучи билан етишсин, Тангри берган неъматларнинг ҳузурини курсин! "Оила ва жамият" жонкуярлари доим омон бўлиб, қўллари ёзишдан, онгу шурурлари фикрлашдан толмасин!

- **Сизга ҳам энг эзгу тилакларимиз ёр бўлсин!**
С. ФАХРИДИНОВА

Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номы: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сибсий ҳаётдаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»

23 декабр—Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ҲУҚУҚ



Мен оддий фермерман. Отам Ҳосилбек Сержонов (раҳматлик) асли деҳқон бўлганлар-шу хўжаликни ташкил қилганлар. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор" бўлиб эл ҳурмати-ни қозонганлар. Ўшанда давлатдан 39 минг сўм қарз олиб, чоғроқ молхона қурганлар. 5-бта ҳўкиз сотиб олиб, иш бошлаганлар. Аввалига 6 гектар ерлари бўлган. Ҳозир 85 бош молимиз, 80 гектар еримиз бор. 5та трактор, 1та комбайнлик ер эғасимиз. Етти ака-ука бир бўлиб отамнинг ишларини юргизаямиз. Укам Исмоилбек доим даладаги ишларга бош-қош. Кам таъминланган оилаларнинг аҳволи бир лаҳза ҳам назаридан четда қолмайди. 60 кишини иш билан таъминлаганимиз. 3 синглим, етти келин ҳам шу меҳнатнинг нони билан ҳаётлари фаровон. Отамга доим камарбаста бўлган онагинам 60 невара, 30 чеваралик - Ойхон аянинг дуолари бизни янги режаларга, яхшиликка, саховатга чорлайди.

Ҳа-да, бу ҳаммаси мустақиллик шарофатидан-да. Ўз еримизга, ўз мулкимизга, ўз даромадимизга эга бўлдик-ку ахир!
Бундан ҳам қувонарлиси- ўз Президентимизни ўзимиз сайлаш ҳуқуқига эгамиз. Номзодлар ўз дастурларида фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларининг, барча моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини устун қўйиш, уларга тўлиқ имтиёз яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлашга эътибор бераётганларини ўқиб бораямиз. Шундай тарихий лаҳзаларда "Шўраҳон" фукарлар йиғинидаги 220дан ошқ хўжалик аъзолари ва оила аъзоларимиз билан юртимизга муносиб Президент сайлаш учун иштирок этаётганимиздан бахтиёрмиз!

Холбой ҲОСИЛБЕКОВ,
Қорақалпоғистон республикаси, Тўртқўл тумани,
«Чорвадор» фермер хўжалиги бошлиғи.

ЗУЛФИЯ ҚИЗЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Ўзбек миллий драма театрида "Зулфияхоним қизлари" танловининг Тошкент шаҳар босқичига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда 46 нафар номзодлар ўз иқтидор ва қобилиятларини намойиш этишди. Айниқса, номзодлар ичида рус, татар, қозоқ, украин ва бошқа миллат вакиллари борлиги тадбирга ўзгача руҳ қўшди. Тадбир сўнггида қатнашчилар эсдалик совгалари билан тақдирланишди.

Ўз мухбиримиз

БИР ОЛАМ ТААССУРОТЛАР БИЛАН

Бир гуруҳ тадбиркор хотин-қизлар Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрига халқаро конференцияда қатнашиш ва кўрғазмада иштирок этиш учун жўнаб кетишгани ҳақида газетамизда олдин хабар берилганди.

Ўзбекистонлик тадбиркор хотин-қизлар халқаро конференция ва кўрғазмада тикувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, миллий ҳунармандчилик, табиий мочалкадан тайёрланган маҳсулотлар, заргарлик ва зардўзлик буюмлари билан иштирок этишиб, ўзбек аёлининг нечоғлиқ зукко, бир кўлида бешик, бир кўлида эса дунё тебратишдек улғувор ишга камарбаста эканликларини намойиш этдилар.

Яқинда Республика Хотин-қизлар кўмитасида Ҳиндистонда бўлиб қайтган тадбиркор аёллар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбиркор аёллар сафар таассуротлари ҳақида қуйидагиларни гапириб беришди:

Кундузхон КАРОМОВА — Қашқадарё вилояти, Бешкент шаҳридаги «Гулшан» хусусий фирмасининг раҳбари:



- Мен бу сафарда хорижлик ҳамкасбларимдан талай янгиликларни ўргандим. Шунингдек, қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланадиган асбоб-ускуналардан сотиб олиш ҳақида шартнома тузиб келдим. Уйлайманки, бундай ноёб ускуналар билан янада сифатли маҳсулотлар



АЁЛНИНГ КҮНГАМИ ТҮҚ БЎЛСА...

Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси **Ш. ХҲЖАНИЁЗОВА** мухбиримиз билан бўлган суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

- Хоразм вилоят хотин-қизлар кўмитасида ўтган давр мобайнида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, туманлардаги хотин-қизлар кўмиталарида олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтгим келади. Жумладан, Янгиарик тумани хотин-қизлар кенгаши иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни спортга жалб қилиш борасида, Урганч шаҳар хотин-қизлар кенгаши эса аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таянч хотин-қизлар кенгашлари ҳисобланади. Вилоят бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига саккиз нафар қизлар сазовор бўлган бўлса, шундан икки нафари Янгиарик туманидан номзоди кўрсатилган қизлардир.

Урганч шаҳрида аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали ишчи ўринлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда мазкур туманда 575 нафар тадбир-

кор аёллар фаолият юритмоқда. Тадбиркор аёллар ишини ривожлантириш мақсадида уларга тижорат банклари томонидан 261 млн. сўм миқдорда кредит пуллари ажратилган.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ишида ҳам хотин-қизларимизнинг ўрни беқийс. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турилади. Хотин-қизларнинг сиёсий фаолигини ошириш ва партияларда аёллар ролини қу-

бощармоқда. Давлат банклари томонидан тадбиркорликнинг турли йўналишлар бўйича фаолият юритаётган 219 та тадбиркор аёлга 459,1 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Натижада 403 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Ёшлар ва аёллар ўртасида спортни оммалаштиришга катта эътибор қаратилган. Фаолият юритаётган 20 мингдан зиёд спорт тўғрақлари аъзолари умумий сонининг қарийб етмиш фоизини хотин-қизлар



ташқил этади. Вилоятда "Отам, онам ва мен" спортчилар оиласи", "Халқаро югуриш куни", "Тўмарис" аёллар спартакиадаси каби мусобақалар юксак савияда ташқил этилди.

Наманган шаҳрида ўтказилган "Тўмарис" республика аёллар спартакиадасида фаол иштирок этган спортчимиз М.Айтова спортнинг стол тенниси бўйича олтин медалини қўлга киритиб қайтди.

Кам таъминланган, кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида республика Болалар жамғармаси ташаббуси билан Хонқа тумани Томадургадк қишлоғида ЮНИСЕФ ташкилоти ҳомийлигида ўқув ишлаб чиқариш маркази ташқил этилган. Бундай марказларнинг ташқил этилиши ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини оширишда катта ўрин тутмоқда. Вилоят хотин-қизлар кенгаши бундан бўён ҳам ўз фаолиятида шундай тадбирларга катта эътибор беради.

М. МИРСОДИКОВ ёзиб олди.



- Чет эллик дугоналаримизга тадбиркорликдаги ютуқларимиз ҳақида гапириб бердик, - дейди Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Шарбат Абдуллаева.

Зулхумор БҮРИЕВА — Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги Хофиз Назаров номи фермер хўжалиги раҳбари:



- Кўрғазмада гиламчилик цехида меҳнат қилаётган кижик нафар хотин-қизларимиз томонидан тайёрланган маҳсулотларимиз билан қатнашдим. Хорижликлар кашталаримиз, зардўзлик буюмларимиз ва кўлда тўқилган гиламларимизни қизиқиб, хайратланиб томоша қилишди.

тайёрлаб, элимиз дастурхонини ажойиб ширинликлар билан безаймиз. Ушбу сафар айниқса Фарғонадаги "Luffa AGRO FAYZ" деҳқон хўжалиги раҳбари Матлубахон Исмоилова учун омадли бўлди. У табиий мочалкадан тайёрланган бежирим буюмлар ва зардўз дўппиларини намойиш қилди. Кашмир, Бангладеш ва Афғонистонлик тадбиркор аёллар билан шартнома тузиб, ҳар йили 8 минг дона ўзбек дўпписи етказиб бериш мажбуриятини олди. Нью-Дели шаҳрида бўлиб ўтган, тадбиркор аёллар ва экспертлар билан ўтказилган "юзма-юз" конференциясида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ш.Абдуллаева сўзга чиқди. У Ўзбекистон аёлларига ҳуқуматимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар, қонунларимизнинг хотин-қизлар ҳаётида тутган ўрни ва давлатимиз раҳбарининг уларга бўлган эътибори ва ғамхўрликлари ҳақида маъруза қилди.

Ўз мухбиримиз

ҚАЛЬ ОЙНАСИ

Обуна — 2008

Мен "Оила ва жамият" газетасига беш йилдан буён обунаман. Гоҳида унинг саҳифаларида менинг ҳам мақолаларим босилиб турибди. Бу газета ҳар бир хонадон газетаси, унинг саҳифаларида ақл-фаросатга ундовчи, турмушдаги айрим хато ва камчиликларга барҳам беришга чорловчи мақолалар берилади, айни дамда ўқувчилар фикри ҳам ёритиб борилади. Булардан ташқари халқ таъбатига оид мақолалар чоп этилади. Минглаб кишилар шу газета орқали ўзларига тан

маҳрам топиб, бахтли бўла-яптилар. Газетада ёш ўқувчи болаларнинг ижодий ишларига катта йўл очиб қўйилган, шеър, ҳикоя, эртақ ҳамда чизган расмлари берилиб борилаяпти. Бу билан ёш ижодкорлар янада илҳомланиб, ижодий ишга меҳр қўйдилар. Мен бу ҳолни неварам — 7-синф ўқувчиси Элдор Раззоқов мисолида кўраяпман. Унинг чизган расмларидан 7

таси газета саҳифаларидан жой олди. У тинимсиз изланишда. Шунинг билан бирга унинг 9 ёшли синглиси ҳамда кўпгина ўртоқлари ҳам "Оила ва жамият" газетасини мунтазам ўқиб, келгуси сонини сабрсизлик билан кутадилар. Газетани қўшниларга ҳам тарғибот қилиб, ундаги мақолалардан ўқиб бериб, уларни ҳам шу газетага обуна бўлишга ундаяптилар.

Бу газета инсонлар қалбини ойнаси. Ютдошларимизни газетага обуна бўлишга чорлайман.

Раззоқ ҲАКИМИЙ, меҳнат фаҳрийси, Навоий вилояти, Кизилтепа шахри.

МУСОБАҚА ОЛДИДАН

Бир неча йиллардан бери Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Сув париси" мусобақаси ва "Гимнастрада" спорт фестивали ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида ана шу мусобақа ва фестиваль муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Матбуот анжуманида саккизинчи мартаба ўтказилаётган "Сув париси" халқаро спорт мусобақаси ва иккинчи бор ташқил қилинётган

"Гимнастрада" фестивалларининг ўтказилиш тартиби ҳақида батафсил маълумот берилди. Галдаги мусобақага қатнашувчилар сони ўтган йилга нисбатан янада ортгани, бу эса мамлакатимизда сув спорти ривожланаётганидан далолат эканлиги алоҳида таъкидланди. Бундай мусобақаларнинг ўтказилиши хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва аёлларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга жалб этишни таъминлашга хизмат қилади. 2007 йил Австралиянинг Доренбрн шаҳрида бўлиб ўтган "Гимнастрада" Халқаро фестивалида мамлака-

тимиз жамоаси иштирок этиб "Миллий команда" номинациясини олишга мушарраф бўлгани фахр билан тилга олинди. Бу эса Ўзбекистон Гимнастрада кўмитаси аъзолари Германия, Таиланд, Япония давлатларида ўтган халқаро Гимнастрада ўқув маҳсулотлари ва фестивалларида қатнашиб, ўз маҳорат ва тажрибаларини оширганиликларини самараси эканлигини Ўзбекистон Гимнастика Федерацияси бош мураббийси Галина Краскова алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мазкур спорт мусобақаси ва фестивали жорий йилнинг 27-ноябр-2-декабр кунлари Тошкент шаҳридаги "Ўзбекистон" теннис кортида бўлиб ўтди.

малоҳат

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Дилкаш ва беминнат суҳбатдошингиз — «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» газетасига 2008 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Обуна индекси: **жисмоний шахслар учун—176. Корхона ва ташкилотлар учун—177.**



мулоимлик, фидойилик, меҳр, ишонч, суянч— буларнинг барчаси яхлит бир тушунчани ҳосил қилардики, мен унинг номини тополмасдим.

— Жуда ҳам меҳрибон экансиз, Ҳоким акага Худо берган экан,— дедим бир куни Маъмура кеннойига ҳавас билан.

— Аксинча. Худо кеннойингизга берган, сингилжон...

...Ушунда мен бу оила ҳақида ёзишни кўнглимга туғиб, керакли маълумотларни бир парча қоғозга ёзиб, китобчам орасига солиб қўйган эдим. Уша китобни кимдир олиб, маълумотларни йўқотиб қўйдим. Кейин кеннойи билан учрашиш имкони бўлмади. Уларни ҳар гал эслар эканман, кўнглим қандайдир гўзаллик туйғусидан қарздордек сезарди ўзини. Энди билсам, бу туйғу яхшиликини яхшилар билан бўлишиш, тарғиб қилиш туйғуси экан...

билмасди.

"Париштаси қочгани" дард устига чиққон бўлган аёлгина ўзини қўйгани жой тополмай қолди сўнги кунларда. Наздида у қўйган сари эр очилишиб борарди. "Қани эди, кўзларини ўйиб олса!" Бу каби нафратлар юрагининг тафтини босиб ўрнига, аксинча, у ўзининг кўзини ўзи ўяётганини ўйлаб ҳам кўрмасди. Эзилгандан эзилар, қўйгандан қўяр, унга сари бахти тўнини тескари қиярди. Чарчади, адо бўлди, илклари сирқираб, силласи қуриди. Шунда, кимдандир эшитганлари эсига тушди: "...ичкиликни севган эркаклар аёлларга илакишмайди..."

Бу гап уни бир неча дақиқа рашк деган офатдан қутқаргандай бўлса ҳам, лекин бу ҳол узок давом этмади. Рашкдан ҳам хавфлироқ бир офат уни домига тортаётганини ҳис этиб, аъзойи баданга титроқ кирди. Топган-тутганини улфатлари билан баҳам кўрадиган, хотинини бир қул деб биладиган, болаларига бепарво эркак билан қандай умргузаронлик қилиши мумкин? Лекин, эрини на бегонага, на ичкиликка бериб қўёлмаслигига ҳам ҳайрон. Охири тушуниб етгани шу бўлдики,

нинг ўзи отани уйлаб қўяди. Ахир хотинсиз эркак хор бўлади. Аёл феъли яхши бўлса, ота-она, ака-укани кига сиғиб кетаверади, бировнинг хизматини қилса ҳам кунини кўради. Нима бўлганда ҳам эркакка, ҳаммадан ҳам болаларга қийин бўлса керак. Ахир, қийнамоқчи бўлса, ўз ота-онаси билан қийнасин, деб бежиз айтишмаган-ку, бурунгилар. "Нима қилсам экан-а, Аллоҳим..."

Уйига, ўз хаёлларига сиғмаган аёл кўчада бир соатча бемақсад тентиради, бироз бўшашиди, ховуридан шунчалик тез тушиб бораркан ўйларди: "Недандир уялланган, истиҳола қилганманми, демак ақли-хушим ўзимда. Мен хали тирикман, одамман, мана ман деган, ҳаммадан ҳам Худо деган одамман мен. Бувим раҳматли кўп айтди: "Худо деган кишини ўзи қўллайди", деб. Уҳ-хў, топган экан ўлибгина кетаверадиганини..."

У хаёл билан бўлиб, болалар богчаси томон бурилди. Шунда билдики, уни кучли бўлишга ундаётган куч ҳам болаларига бўлган муҳаббати экан. Кўзлари ёшланиб, лабига оғиз бир табассум ёйилди. "Бир ўғил, бир

ИБРАТ БЕКАТДАРИ

ОҚ ЁҚАНИНГ СИРИ

Санаторий ошхонасида овқатланиб ўтирарканман, қаршимиздаги столдаги аёл ва эркак диққатимни тортиди. "Шарқ" нашриёт матбаа концернида узок йиллар шофер бўлиб ишлаган Ҳоким акани иш юзасидан анча-мунча таниганим учунми, беихтиёр кеннойини кузата бошладим. Кеннойи самовардан чой дамлаб келди-да, бир-икки қайтариб, оппоқ сочига ўраб қўйди. Бироздан кейин чойни сузиб, меҳр ва тавозе билан акага узатди. Уларнинг даврасидан қандайдир файз-баракат таралиб тургандек туюлди менга. "Оқ ёқанинги сири" бу ёқда экан-да", кечди кўнглимдан. Дарвоқе, "оқ ёқанинги сири"... Концерн гаражидида ўнлаб шоферлар хизмат қилишарди. Ҳоким акадаги озодлик, оппоқ ёқалару, бошидаги гард кўнмаган дўпписи, доимо мойланган туфиллари ва буларнинг барчасига мос, маънили нигоҳлари бу кишининг ўта нозиктаъблиги-ю, ўзига ва бошқаларга бўлган ҳурматини изоҳларди. Машинасининг радиосида мақом, классик ашулаларни ўртача овозда қўйиб қўяр, ахборот эшитар, ўз тоштарозисига эга инсонлиги биланиб турарди. Гапдан гап чиқиб, ажойиб фикрлар билдирарди. Мана улардан баъзилари:

"Неварамнинг исмини Аъло қўйдим. Ҳозир шундай бола бўлганки, ҳақиқатда аъло. Яхши гапнинг ҳам, ёмон гапнинг ҳам қулоғи бор деганлари тўппа-тўғри. Исм ҳам бир жонли фаолият каби одамни тарбиялаб турса керак-да. Маъносига кўра гоҳ ундок, гоҳ бундоқ, дегандай. Фотиҳ деган исмини олинг. "Жаҳоннинг фотиҳи Искандар..." деганда нимани тушунамиз? "Фотиҳ— забт этувчи, босиб олувчи, эгалловчи" маъноларидан келиб чиқса, неварангизга кунига неча мартаба "босқинчижон" дейишганизга тўғри келади... Энди ундан ўзимиз айтганганимиздан ортиқроқ нимани кутиш мумкин?..."

"...Байрам кунинда телевидение орқали классик куйлардан қўйишмади. Хафа бўлдим. Ҳамма ёқни галати-галати артистчалар, тарақа-турок босиб кетибди-я, сезмаган эканман, бирдангиа билинди. Шуми санъат, бунга ким жавоб беради?..."

"...Мақомларни болалигимдан жоним билан эшитаман. Баъзан сўзларнинг маънисига тушунмасам-да, илоҳий оҳангларига қўшилиб кетардим. Бехудага яшаб келмаётган эканда, бу куйлар..."

Кеннойи билан танишгач, "оқ ёқанинги сири" маълум бўлди-қолди. Уни мунолажа хоналари олдига Ҳоким акани кутиб турган, чиқишлари билан елкаларига камзилларини ташлаётган, гоҳида қўлидаги термосдан бир кўлтум чой қўйиб узатаётган ҳолатда қўриб қолардики. Бу аёлдаги очик чехралик,

"ТИКАНИНГ ГУЛИ..."

Бир хаёли шу уйни бир йўла ёндириб юбор, дейди. Бир хаёли гоҳ-гоҳида икки-уч кунлаб йўқолиб қоладиган, кейин эса ҳеч нарса бўлмагандек эшикдан кириб келаркан, салом йўқ, алик йўқ, "овқатинг борми?" деб тўғри ошхонага ўтадиган, ўзича айтганда, шу бездан без эрини қиймалаб ташлагиси келади... Лекин қўлидан қеч нарса келмайди. Неча маротаба жиққамушт бўлишди, яхши гап билан музокара олиб боришди. Барибир эр терслигидан қайтмади. Аксинча кўзига қўлларини суқиб олиш даражасида тираб деди:

— Ҳеч қачон сенга ҳисоб бермайман. Менинг отам ҳисоб бермаган. Отамнинг отаси, отасининг отаси ҳисоб бермаган хотинга, тушундингми? Ишингни билиб юрсанг, ўзингга яхши. Шунга ақлинг етмаса, менга десанг ўлиб, қирилиб кет!!!

Тез-тез такрорланиб турадиган бундай гаплар миясига қозик каби қоқилиб, кўзларидан ўт чакнаса ҳам, эри айтганидек, "ишини билиб" юрлмади. Қайтанга кундан кунга ўчакишиб, беор бўлиб борар, эр одатдагидек "йўқолиб" кетганида тансиқ таомлар пишириб, болалари билан еб оларди-да, унинг келар вақтига, албатта, қозони сувага ташлаб, ўзича қасос олмақчи бўларди. Нима қилсин? Кучи етса-ку, ўласи қилиб уриб, хумордан чиқарди, ҳатто майиб қилиб қўярди шу ярамас эрни.

Охириги кунларда бироз ақлини йиғиб "бундан кўра ажрашиб қўя қолганим яхши эди", деб ўйларди-ю, яна ичиди бир итлиги тутиб "мендан бошқа билан кўрадиган роҳатингни бурнингдан булоқ қилиб оқизмасан юрган эканман, мен ҳам", деб баттар газабга минарди. Ва ҳар балоларни ўйлагани сари қайтанга кечинмалари юзига тепиб, совуқлашиб-эрининг сўзи билан айтганда, "париштаси қочиб", ўзини ҳар қанча парваришлаган бўлмасин, ёган-ичгани татимай, кундан-кунга сил каби сўлиб, ўзини ўзи руҳан майиб қилиб бораётганини



қурашади, олишади, бўғишади, лекин эрдан воз кечмайди. Хуллас, на ўзи тинчийди, на оиласи. Узини қўлга олиш учун ҳар қанча тиришмасин, ҳеч уйда қилолмайди. Гўё бир чуқурга тушган-у, тепага тирмаша-тирмаша чиққанида, сирлиниб қулайди-да, яна бошдан юракларининг деворларини тирнайверади, тирнайверади. Машғулоти жонига тегиб, барчасидан безор бўлади. Ана шунда ҳамма нарса гоийб бўлиб, фарби-гина жонини бу дунёдан қутқарувчи халоскор ниқобидидаги лаин ёрдамга келади ва ақл ўргата бошлайди... Шунинг таъсирида ҳақлигига ўзига, ё уйига, ё эрига бир нарса қилмоқчи эди...

Йўқ, йўқ, йўқ... Агар ўзига бир нарса қилса, борингки, ўз жонига қасд қилганида ҳам биладики, эрининг бир туки тўкилмайди. Наридан бурса, қирқини бериб-бермай, биттасини топади-да, яшайверади. Хотини ўлганларга бу борада қамиша "оқ йўл", "яшил чирок". Хотинига вафо қилиб, болаларини ўғай онага қолдирмасликини ўйлайдиганлар, топилса, мингдан бир топилар. Шунда ҳам қариндош-уруғ, ҳатто фарзандлар-

қиз. Бир қиз, бир ўғил..." такрорларди ичи, кўксининг тагида нимадир "жиз-жиз" куйиб.

— Ҳали болалар уйғонишига вақт бор,— шивирлади исми жисмига муносиб энага Яйра буви.— Уйқудан хом уйғонса, бола асабий бўлади. Агар шошмасангиз бир пас кутинг, ё айланиб келинг, ё анави столда қизиқ журналлар бор, шуларни кўриб туринг...

"Етти ёт бегоналик бола-сини ҳам шунчалик севадимми киши? Боланинг бегонаси бўлмайди дейишгани шу экан-да." Аёл ўзи ўздан уялиб кетди. Бу қандай аёлки, эрини рашк қилиб, уйини ёқмоқчи, эрига ё ўз жонига бир бало орттирмоқчи? Оддий бир энага уйқусини бузишга кўзи қиймаган болаларини бу киши она бўла туриб отадан, онадан айирмоқчи!..

У ҳозир шу пайтгача яхшироқ эйтиб бормаган яхшироқ ҳайрон, Яйра бувини ўйлагани сари ичи ёришар, бу нуруний кампирни боқмага боғлаб турган, бировларнинг болаларига шунчалик муҳаббат қўйдирган нарса-

нинг сирини билгиси келарди.

- Сиздан бир нарса сўрасам майлими, Яйра буви?
- Сўранг, сўранг ўргилай.
- Нима қилсам мен ҳам сиздек яхши буви бўламан?
- Буви бўлганингизда биласиз, ўргилай.
- Ҳаёт шунча гўзалми, Яйра буви?
- Гўзал бўлмаганида Сизни шунчалик мафтун қилармиди? Лекин унинг бир сири бор, болам. Бу жуда ҳам оддий. Худо берган яхшини ёмон билан, гулини тикони билан ҳам яхши кўра билсангиз, бас, марра сизники. Нафратдан, гумондан парҳез қилиб, Аллоҳнинг маърифатлигига ишонган киши муродиға етади...

Жавоб анча қийин туюлди, ўйлаиб қолган аёл бошқа савол бермади. Эндигана уйқудан уйғониб, кўзларини ишқалаганча онасига интилган қизчаси — "тиканининг гули"ни худди биров қўлидан олиб қўядигандек меҳр билан баргига босди.

(Давоми бор)
Равно РАҲМОНБЕРДИ қизи

ОИЛА ҲАКАМ — ЎЗИНГИЗ

- Дардимни кимга айтишни билмайман. Кимдан холис маслаҳат олишга ҳайронман. "Дўст" деб айтганимдан доим панд ейман. Душман-ку битта гапингга тўртта кўндириб, дўмбира қиладди, - йиғламсираб кўнғироқ қилди аёл.

- Тинчликми, нима бўлди?

- Ҳазир 10 боланинг тўнғичиман. Отам биз ёшлигимизда қазо қилганлар. Онагиз не азоблар билан бизни вояга етказганлар. Тушгача мактабда бошланғич синфларга дарс берсалар, тушдан кейин ошхоналарга кесган ош қилиб бериб, пул топардилар.

- Энди қандай муаммо туғилди?


- Онам мендан кейин яна тўртта синглимни узатишлари керак эди. Шу боисми биринчи бўлиб эшигимизни қоққан совчиларга мен учун розилик бериб юбордилар... Тўй ҳам бўлиб ўтди. Эрим заводда ишчи бўлиб ишларди. Мен эса ҳамшира бўлиб ишга кирдим. Бошида ҳаётимиз осойишта кечаётган эди. Аммо ўғилчам туғилгач, эрим ўзгариб қолди. Булар-бўлмасга сипталайдиган, жеркийдиган одат чиқарди. Бу ҳам майли-чидаса бўларди. Аммо ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ - оддий саволимга ҳам жавоб ўрнига қалтак ейдиган бўлдим. Гапирмасам, "нега тумшайиб олдинг", деб яна урарди.

Ўша кунни ҳам эрим мени роса калтаклаб, ҳамма жойимни моматалок қилиб юборувди. Боламни кўшимга бериб, уйга чиқдим. Молхонадан арқон топиб, шигга бойладим. Энди кути топиб, устига чиқаётсам, қайнопам дарвозани тақиллатиб келиб қолди. Молхона дарвозанинг олдида бўлгани учун манзарани кўриб, додлаб юборди. Кутини отиб юборди-да, мени кучоқлаб олди. Йиғлай- йиғлай унга бўлаётган воқеаларни айтиб бердим. Қайнопам мени сўрига ўтқизди-да: "Гапларимни диққат билан эшит-деди."

Ота-онамиз оламдан ўтгач, укамнинг кўнгли кам бўлмасин, деб эркалатиб юбордим. "Айтгани-айтган, дегани-деган" бола бўлиб ўсди. Шунини деб, анча кеч турмушга чиқдим. Ундан тез-тез хабар олиб турсам-да, заводда бирга ишлайдиган бир суюқоёқ хотинга илакишиб қолибди. Насихатларим укамга қор қилмади. Ахйири уни уйлантириб қўйсам, ҳаёти изга тушиб кетар, деб уйладим. Тўйларингиздан кейин у анча ўзига келиб қолган эди. Аммо фаҳимча, укам яна ўша мегажнинг таъсирига берилган. Мана энди ҳаммасини билиб олдинг. Эрингни, оилангни сақлаб қолиш ўз кўлингизда. Нима қилсанг ҳам эрингни бу йўлдан қайтар! У аёл билан эса ўзим гаплашаман," - деди.

- Сиз қандай йўл тутдингиз?

- Ўзимни қўлга олишга уриндим. Қайнопам айтгандай қилдим. Қайнопам ҳам бориб у хотин билан гаплашибди. Аммо у: "Мени эмас, укангни йигиштириб ол!" - дебди. Аввалига сасиз-садосиз юрган эрим: "У аёлни нега хафа қилдинглар?" - деб, биз билан роса жанжал қилди. Сўнг бутунлай ўша аёлнинг уйига кетиб қолди.



Кўнғироқларингиз...

- Эрингиз боласини йўқлайдими?

- Ҳа, боғчасига бориб кўриб кетаркан. Мен билан эса ажрашди. Қайнопам шу

ҳовлида яшайверишимни айтди. У бир кун келиб укасининг ҳуши жойига келишидан умидвор эди. Ушанга ҳам 5 йил бўлди. Эрим ундан кейин яна бошқа енгилтак аёл билан яшаётган эмиш...

- Уй-жой даъво қилмадимми?

- Йўқ, Қайнопам: "Ҳатто эрга тегсанг ҳам шу уй-жой жиянимники", - деди.

- Эрингиз кечирим сўраб келса, гуноҳидан ўтармидингиз?

- Очиги, бир йилгача уни кутдим... болам учун. Энди эса менга оғиз солганлардан биттасига рози бўлай, деб

турибман. Хотини оғир касалликдан вафот этган экан. Кўрсатмаган дўхтири, табиби қолмабди. Хотинига шу қадар куйинган эркадан ёмонлик чиқмайди, деб ўйлайман. Ундан кейин боласи йўқ экан-боламга отасидан кўрмаган меҳрни у бера олармикан? Бошим қотиб қолди, опа...

- Ҳаммаси ҳал бўлган эди. Аммо кеча... кеча... - Аёл ҳиқиллай бошлади.

- Нима бўлди кеча?..

- Кеча эрим ўғлимнинг боғчасига келиб, уни кучоқлаб роса йиғлабди. Юрагим эзилб кетди.

- Демак, ундан ҳали кўнглингиз совмаган экан...

Қайнопангиз орқали балки у билан гаплашиб кўрасизиз?... Битта эрга тегиш бўлса... болангизга ўзининг отаси тузукмикан... Агар боши тошга урилган бўлса...

- Билмадим, опа...

- Ҳар ким тўнининг иссиғини ўзи биледи. Сизнинг аҳволингизни ҳамма ўзидан келиб чиқиб таҳлил қиладди. Кўнгли эса Сизники! Шундай қўлингиз, Сизнинг бахтингиз ўзгаларнинг бахтсизлиги эвазига қурилмас бўлди... Яна мухлисларимизнинг ҳам сизга айтадиган гаплари бордир? Тўғри хулоса чиқариш ўЗИНГИЗдан...

САНОБАР

- Мен оиламиздаги катта фарзандман. Мендан кейин икки укам ва бир синглим бор. Тошкент вилоятидаги туманлардан бирида яшаймиш, дейди Муҳайё исмли қиз. - Ҳазир Тошкентдаги нуфузли бир ташкилотда ишлайман. Ижарада яшайман. Ойлик маошимни тежаб ишлатаман. Лекин, қани эди уйдаги укаларимга ҳам инсоф кирса...

- Нега укаларингиз ҳақида бундай деяпсиз?

- Тўғри, ўз жигарларим ҳақида бундай гапларни гапириш мен учун ҳам оғир. Лекин нима қилай? Иккита давангирдек укаларим на ишлашади, на

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

пишни истаганман. Жуда кўп йигитлар, мени ёқтиришиб, совчи жўнатишди. Бирок, ўша совчилар бир марта келишгач, қайтиб келишмасди. Сабабини эшитиб, жуда ҳам кўнглим ўксинарди.

- Сабаби нима экан?

- Отам вафот этганлиги боис, онам бизни вояга етказгунча жуда қўйналган. Лекин ҳаммамиз улгайгач, онамга янада қийинроқ бўлди. Чунки уй-жойимиз жуда нураб кетган.

Мана энди синглим ҳам вояга етган.

МУТТАҲАМ ТАБИБ

Автобусда Бўстонликка кетаётиб, олдинги ўриндикда ўтирган икки аёлнинг суҳбати беихтиёр қулоғимга чалинди.

- Манзура, кўшнимизнинг келини неча йилки фарзанд кўрмайди. Сизлар яшайдиган Қозоқ маҳалла томонда бир табиб бор, - деб эшитганман, - деди мовий рўмонли аёл. - Ҳе, ўлсин табиб бўлмай! Уни яхши танийман, - энсаси қотиб деди ҳамроҳи. - Ўша Абдулла табибнинг уйи ёнида бизнинг дўконимиз, сомсахонамиз бор. Баъзан ҳеч ким йўғида Абдулла табиб вақти-вақти билан эримнинг олдида кириб бир пиёла ароқни симириб, кўрган кечирганларидан гапириб ўтиради. - "Бу лънати яхши одам эмас экан", - деб қолди эрим бир кун. - Бир кампир уч йилдан буён фарзанд кўрмаётган келинини Абдулланинг олдида олиб келибди. Кампирга Абдулла: "Келинингизни бир ҳафта ташлаб кетсангиз, баҳорга бориб албатта набиралик бўласиз, - дебди. - "Кампирнинг келини офатижон экан. Бир ҳафта бағримга босиб, яйрадим. Тўққиз ойдан кейин лўмбиллаган чақалогини кўтариб келди. Қулоғига "Абдуллоҳ", деб азон айтиб бердим. Соддагина қайнонаси: "Илоё, набирам сизга ўхшаб юрсин, - деб дуо қилди", - деганмиш...

- Вой, тавба! Ер ютсин уни. Худодан ҳам кўркмас экан-да, бу жувонмарг! - Кунига қанча-қанча одамлар дардига шифо излаб келишади. Абдулла уларнинг елкасидан, бошидан қон олади. Гиёҳларни аралаштириб, дамлама тайёрлаб, шу дамламани ичсагина тузалишини бемор-



ларга қайта-қайта таъкидлайди. - Дамлама учун гиёҳларни қаердан олади?

- Қаердан бўларди. Албатта сотиб олмайти-да. Ариқ бўйидан қоғига турли хил доривор ўт-гиёҳлардан териб юради. Бу гиёҳлар яллиз, отқулоқ ва шунга ўхшаган зарарсиз, ҳеч кимга зиён келтирмайди.

- Унинг содда одамларни алдашини билсангизлар қилмишларини одамларга нега айтиб бермайсизлар?

- Ўзимиз ҳам шундай қилмоқчи бўлгандик. Лекин бизнинг даромадимиз ана шу Абдулла табибга келадиган одамларнинг орқасидан. Шунини ўйлаб бу гапни овоза қилмай қўя қолдик. Чунки табибнинг олдида тонг сахардан келиб навбат олишади. Қорнилари очади, чанқашади. Албатта сомсахонамиздан сомса сотиб олишадиган. Дўкондан эса салқин ичимликлар, ширинликлар сотиб олишади. Шу боис сомсахона ва дўконимизда кунига савдо яхши бўлади. Шунинг учун ҳам бировга бу ҳақда чурқ этмаймиш.

Икки аёл яна нималариндир гапир-гапира чарчашдими, бир-бирининг елкасига бош қўйиб ухлаб қолишди...

ГУЛБАШАКАР

УЙИМНИ КЕЛИН ҚИЛИШАДИМИ?

рўзгорга ёрдамлашади... Улар кун бўйи уйда ўтиришади. Ахир улар мен юборган пулларга уйимизни таъмирлашлари мумкин эди-ку! Лекин улар жуда дангаса, ишлаб пул топмаганларига яраша, нураган деворни суваб, эшик-дерижа ромларини бўяб қўйса ҳам уйимизга файз кирган бўларди. Аммо, улар шу ишни ҳам қилишмайди. Шунга сиқиламан-да. Очигини айтганидан бўлсам олисда, қийналиб, уйим ва оила аъзоларим учунгина бу ерда яшаб юрибман. Ёшим ўттиздан ошган. Яхшиямки, ўқиб касбли бўлиб олган эканман.

Тошкентта нега келиб қолгансиз? Ахир ўз туманингизда ҳам ишласангиз бўларди-ку! - дейишингиз мумкин. Тўғри, шундай қилсам ҳам бўларди. Лекин сал бўлса-да, кўпроқ пул то-

Унга ҳам совчилар келибди. Лекин улар ҳам уйимизнинг аҳволини кўришиб, бошқа келмай қўйишибди. Мен-ку, майли тақдиримга қўйикандекман. Лекин бечора синглим ҳам бахтсиз бўладими? - деб кўркаман.

Имконимиз йўқ бўлса айб биздами? Наҳотки совчилар уйига қараб қизга баҳо беришса? Ахир уйни келин қилишмайди-ку!

- Муҳайё, кўп ҳам тушкунликка тушманг! Эҳтимол уйингизга қараб айниган йигитларга турмушга чиқмаганингиз ҳам яхшидир.

Укаларингизнинг ишга киришига ёрдамлашинг. Бахт бўлмаса, данғиллаган уйлар ҳам ёрдам бера олмайдди. Гап бойликда ёки таъмирланган уйда эмас.

- Азизлар, Муҳайёга сиз нима деган бўлардингиз?

ТИРНОҚҚА ЗОРЛАР КАММИ?

**“Қиз бола фарзанд эмасми?!”
42-сон**

ЭСЛАТМА: Оилада тўнғич фарзандман. Лекин укаларимга берилган меҳрдан бенабисман. Отам мени ўғайдек уришади. Онамаан нега бундайлигини сўрадим. Айбим қиз бўлиб туғилганим экан! Ахир мен ҳам отамнинг меҳрибончилиги қилишини, унга эр-каланишни истайман.
Муаллиф: У. Адизова



Кизим, сен сира хафа бўлма. Отангга ҳам, бобонг ва бувингга ҳам инсоф кириб қолар. Худодан кўрққан банд сира бундай иш қилмайди. Бунинг турган-битгани Оллоҳга шак келтириш-ку. Мен ишонаман, сен хали ўз бахтингни топасан. Шунда сени фарзанд ўрнида

Акс-садо

Кизим, Гулрухсор! Сенинг ҳасрат тўла мактубингни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Ўқиган сарим дилим эзилди. Наҳотки ҳаётда шундай оталар ҳам учраса. Мен бундай одамларни, яъни оталарни агар уларни ота деб аташ мумкин бўлса, жоҳил деб атаган бўлардим. Нима, қиз бола фарзанд эмасми?! Қиздир, ўғилдир, бу бизга Оллоҳнинг инояти-ку. Ахир дунёда тирноққа зорлар камми?! Эҳ, ношукр, жоҳил банд, фарзанд ато этганига, тирноққа зор этмаганига Оллоҳга беадад шукрлар қилмайсанми?

кўрмаган отанг, бобонг билан бувинг ўзлари жуда уялиб қолишади. Чунки ўзинг ҳам таъкидлаганингдек, қиз бола ўғил болага нисбатан ота-онага, айниқса отага меҳрибонроқ бўлади. Менинг ҳам тўнғич фарзандим қиз. Кейин Оллоҳ кетма-кет икки ўғил ва яна бир қизни берди. Мен биринчи фарзандим қиз туғилганига қайта хурсанд бўлганман. Ахир катта бўлса онасига дастёр бўлади. Яна укаларига қарайди. Сен отам мени ёқтирмайди, деб сираям ўзингни ўқситма. Ҳали вақти келиб ўзлари уялиб қолишади.

Равшан ИСОКОВ

“Ахир рамазон - хайр-эхсон ойи-ку!” - 39-сон

ЭСЛАТМА: Рамазон ойи бошланган кун ифторликка мева-чеваалар олиш учун Чорсу бозорига тушдим. Бир кун олдин узумни минг сўмга олган бўлсам, эртасига унинг нархи икки минг сўм бўлиб кетибди. Сотувчилар пинагини бузмай рўза кунларига уч-тўрт сўм ишлаб олишларини айтди. Шу ҳам инсофланми?

Муаллиф: Ш. Ақромова

Мақолани ўқиб, хайратда қолдим. Ҳа, рамазон ойи ойланинг зор улуғи, энг гўзали, баракотлиси, покланувчи, ёмонликлардан қайтарувчи, гуноҳлардан фориг бўлувчи ойидир. Бу йилги рамазон ойи ҳаммасидан ҳам баракотли келди. Негаки, ифторликда ҳам, сахарликда ҳам дастурхонларимиз ноз-неъматга тўла бўлди. Бўрсилдоқ нону, патирларни айтмай-сизми? Болаларимизга, қўни-қўшни, узок-яқиндаги танишларимизга, маҳалладошларимизга Оллоҳнинг раҳматлари ёғилсин. Улар биз—рўзадорлар учун дастурхон тузатиб, ифторлик қилиб беришиди. Мен бозорга чиқиб ифторлик учун савдо қилдим. Ифторлик учун олаяман, десам сотаётган нархларидан 100-

200 сўм арзон қилиб беришиди. Ифтор куну шу сотувчиларни ҳам дуо қилдик. Аммо бир суҳбат эсимдан чиқмай қолди. 2007 йилни кутиб олиш арафаси эди. Мени меҳмонга таклиф этишганди. 2-3та савдогар аёллар билан ўтириб қолдим. Қизлар бозорларда нарх-

ди-да совуқдан”, деса бўладими?! “Ўзи одамлар ҳам жуда анқов-да, байрам куну, байрам олди ойингдан чиққан нархга олишади-да”. Уртада роса кулги кўтарилди. Қўлимга битта памидорни олдим-у, ўйлаб қолдим.

“Мана шу битта памидорни 300-400 сўмга олса-я? Ҳа, килолаб олишга кимнингдир чўнтаги кўтарар, кимнингдир эса йўқ. Балким боласига олиб боргандир, балким хаваси кетган келинчакка олиб боргандир, балки янги йил дастур-

тенг келайми? Майли, булардан ёшим анча катта бўлса ҳам бир гапдан қолай, дедим.

Эҳ, аёллар, аёллар! Бекорга: “Бозор кўрган эчкидан кўрк”, дейишмаган экан. Ахир бозорда оддий, оқкўнги, меҳмондўст халқимиз бозор қилмасалар, сизлар нарсаларингизни кимга сотасизлар-а? Бўйингизда тилла занжир, қўлларингизда тилло узук ялтирайди-ю, аммо кўнглингизда эса, оддий халқимиз учун заррача меҳр қолмадимикан, деган савол туғилди-ю,

Лайлатулқадр кечасини дўғоналарим билан кутмоқчи бўлдим. Биз шу кеча эрталабгача яратганга ҳамду санолат айтдик. Оиламизга тинчлик-омонлик, кўни-қўшнларга тотувлик, маҳалламиз ободлигини тиладик. Йигитлар куёв, қизлар бахтли келин бўлишини, қариларга йимон, ёшларга умр тиладик. Сиз бозорда уратган сотувчиларга, мен суҳбат қурган сотувчи аёлларга инсофу товфик, меҳр-оқибат сўрадик. Яъни амалларимиз, дуоларимиз ижобат бўлишини тиладик. Ислол маркази бўлган Тошкентимизга кўз тегмаслигини, халқимиз тинч, осойишта бўлишини тиладик. Шукроналар келтирдик. Бозорларимиз мева-сабзавотларга, дўконларимиз озик-овқат маҳсулотларига, дастурхонларимиз иссиққина бўрсилдоқ нонларга тўлалигини тинч-осойишта яшаётганимиз, қадриятларимизга тиклангани мустақиллигимиз шарофатидан деб билдик.

Буларнинг бари юртбошимизнинг савийи-ҳаракатлари эмасми? Уларнинг умрлари узун бўлсин, доимо соғ-омон бўлсинлар, деб дуога қўл очдик. Яқинда бўладиган ойлик ҳам яхши ўтишини, юртимиз иқболини тиладик.

**Бувоини РАҲИМОВА,
Қашқадарё вилояти,
Қарши шаҳри.**

Сурхондарёлик раҳбар аёл ёзган дил изхорини ўқир эканман, ахлоқ, одоб, маънавият, маданият, қадрият каби тушунчаларни ўйладим. Аёл ўзи раҳбарлик қилаётган корхона учун “каттакон” раҳбарга пул ўтказиш тўғрисида гапирса, “каттакон” эса нафсониятини қондиришни ўйлайди. Аёл эса ор-номусини ўйлаб, уни рад қилади. Балки бу раҳбарга: “Инсон ахлоқсизликдан ҳузур-ҳаловат топиши мумкин эмас, фақат ахлоқ ва яхшилик билангина у олий ҳузур-ҳаловатга етишади”, деган нақлни доимо эслатиш жоиздир.

Ҳа, номард-а! “Мен раҳбарман, ҳамма менга тобе, итоат қилади, мансабим орқа-

“Улуғ номингизга лойиқ бўлинг” - 8-сон

ЭСЛАТМА: Бир ташкилотга раҳбарман. Лекин мен бошқараётган муассаса бошқа ташкилотлардан тушган пул ҳисобига фаолият юритади. Бир обрўли ташкилот раҳбари пул туширишни чўзди. Унда бу ҳақда сўрасам: “Аввал бирор жойда учрашайлик!”, - деди. Наҳотки мансабдор эркаклар шунчалик ахлоқсиз бўлишса?

Муаллиф: М. Шукурова

МАЪНАВИЙ ҚИЁФА КЕРАК!

ли ўйлаб қўйган режаларимни амалга ошираман”, деб хаёл қилиб юрибсанми, эй нафс бандаси. Ҳайф, сендай раҳбарга! Аёл ходимларга ва раҳбарларга баҳоли қудрат ёрдам бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб, қўллаб-қувватлаб юрсан бўлмайди?

Синглим, “каттакон”нинг гапини қилмай яхши иш қилибсиз. Иймонли, инсофли, виждонли аёл экансиз. Чунки, оилада сизни шундай муҳитда тарбиялаб, вояга етказишган. Оилани ва турмуш ўртоғингизни ўйлаб, бу ишни қилмагансиз. Аёл оиласи, турмуш ўртоғи, фарзандлар қисмати тўғрисида қайгур-

син. Синглим, ор-номусни ўйлаб тўғри иш қилибсиз, маънавий жиҳатдан етук, олижаноб экансиз. Сизга “улуғ номингизга лойиқ бўлинг”, - дегим келди. Раҳбарлик фаолиятингизга ривож, ўзингизга сабр-қаноат, тоқат ва бардош тилаб қоламан.

**Ўқтам ДУСЧАНОВ,
Хоразм вилояти,
Хонқа тумани, Сарапаён қишлоғи.**

СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНИШАДИ!

Сарвар ўғлим! Ота-онангиз сизни мард, ҳалол ва оқўнги қилиб тарбиялашган экан. Уларга раҳмат. Сиз бир ёш қизнинг бахти барбод бўлишининг олдини олибсиз. Ота-онангизга буни ётиғи билан айтиб берсангиз, уларнинг хурсанд бўлиши табиий. Ўша бойвачча, лекин номард йигитнинг башарасини очиб ташланг. У ўз қилмишига яраша жазосини олсин.

Безорни йигит сизга қанчалик тўхмат қилмасин, унинг ёлғонини гувоҳларингиз билан исботлаб беришга ҳаракат қилинг. Биламан, бу жуда қийин ва оғир. Лекин дунёдаги энг ёмон нарса тўхмат балосидир. Сизнинг қилган ишингиз ҳақда ўқинганда сиздек мард йигитлар борлигидан қувондим.

Сарваржон ўғлим! Хафа бўлманг! Бу дунёни қайтар дунё, - дейишади. Ўша безорининг синглиси ёки қизи шундай кунга ту-

“Бир қизни ҳимоя қилиб...” - 41 сон

ЭСЛАТМА: Институтдан келаётиб бир йўлчи хиралак қилаётган қизни кутқардим. Йўлчи билан жанжаллашиб кетдик. Милитсия ходимларига ўша йўлчи мени айбдор қилиб кўрсатди. Бироқ ҳақиқат аниқланди.

Муаллиф: Гулбаҳар

шиб қолиши ёки ўзи ҳам ёмонларнинг тўхматига қолиб кетиши мумкин.

Яхшиям дунёда сиздек ўғлонлар бор. Сиздек йигитлар илоё қўлаверсин. Сиз бошингизни тик тутинг-да, ўқингизни бемалол давом эттиравинг!

**Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,
Тошкент шаҳри.**

ЯХШИ АМАЛЛАРИНГИЗ ИЖОБАТ ТОПСИН...

наво қандай?” - дея сўрашимни биламан, улар оғизларини тўлдирди: “Э, опа биз янги йил планини юз қилиб бажардик, жуда зўр бўлди”, - дейишди. Мен ҳеч нарсага тушунмай тургандим, иккинчи сотувчи аёл: “Э, хола тушунмадингиз-а, кеча битта памидорни 400-500 сўмдан сотдим”, - деди. Кейин менга учинчи сотувчи аёл: “Битта бодрингни 300-400 сўмдан сотдим. Фартугим пулга тўлиб кетди, зўрга учма-уч қилиб боғлаб, уйга бордим. Аммо санай олмай, ётиб қолдим. Э оёқларим қотиб қолган-

хонига ҳар хил мевалардан ликопчага солиб, дастурхонга қўйиб, янги йил байрамини кутмоқчидир?.. Мен бу памидорни ея олмадим, яна ликопчага қўйиб қўйдим. “Ҳа, хола, қиммат, деб егингиз келмай қолдими?” - дея сўз қотди аёллардан бири. Мен ҳеч нарса демадим, чунки бировнинг ширин-шаркар дастурхони олдиди ўлтириб яхши қайфиятини бузгим келмади. Ахир мезон бу дастурхонни тузатиб бизнинг олдимишга солгунча озмунча сарф-харажат қилганми? Энди мен булар билан


кўнглим бузилиб кетди. Озроқ ўтирдиму, узр айтиб туриб кетдим. Ахир янги йил ҳам энг катта байрамлардан ҳисобланади. Ҳамма янги йилни хурсандчилик билан кутиб олади. Борини дастурхонига тўкиб сочади, бир-бировларига сова-салом улашади, табриқлашади! Йил бошидан арзончилик бўлса, йил давомида арзончилик бўлади, дейишади-ку. Шаҳнозаҳон, сиз айтган ўша савдогарлар ҳам ифторлик вақтида нарх-навоини ошириб, пул топиш йўлида хайр-эхсонни ҳам унутган кўринишади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Хурматли онажоним!
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Отам билан бахтли ҳаёт кечирishingизни тилаймиз.
Қизингиз Гуллола Хоразм вилояти

Жияним ШЕРЗО!
9 ёшинг муборак бўлсин. Доимо ота-онанг бахтига соғ-саломат бўлгин. Омад сенга ёр бўлсин.
Холанг Назокат



Хурматли СОНБ ака!
Таваллу айёмингиз билан табриклаймиз. Соғлиқ-омонлик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Дунёдаги барча яхшиликлар ҳамроҳингиз бўлсин.
Ҳасан, Тоҳир, Зоир

ДИЛДОРА опа!
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга соғлиқ-омонлик, оилавий бахт тилаймиз. Аёллик назокатию, нафосати сизни тарқ этмасин. Яқинларингиз



Тун ярмида жуфти-халолимнинг оғир инқиллашдан уйғониб кетдим.
- Сизга нима қилди, нима безовта қилаяпти, - дейман ҳеч нарсага тушунмай.
- Ойижонимни, тезроқ ойижонимни чақиринг, - дея жавдирайди рафиқам инқиллашда давом этиб.
- Ойижон, келинингиз...
Сиз ярим гапимданоқ йўл-йўлақай оёгингизга қовушингизни олиб, биз ётган хонага югурасиз.

Эрталабга яқин келинингизнинг кўзи ёриди. Отам билан сиз яна бир неварали, мен эса биринчи фарзанд-қизли бўлган эдим.
- Уми билан берган бўлсин, - деб дуо қилдингиз. Эрталабки биринчи автобусда уйга қайтар эканмиз, дунёда мендақа бахтиёрроқ одам йўқ эди, назаримда. Бутун шаҳарга жар солиб:
- Мен фарзандлик бўлдим. Мен ота бўлдим, - дея хайқиргим келарди.

ОТАЛИК ҲИССИ

Жон — жигарларимиз

- Дард бошланиб қолибди-ку. Нима қилиб турибсан, бор, зудлик билан "Тез ёрдам"ни чақир, - дейсиз менга ўгирилиб. Кейин бисотингиздаги бор яхши гаплар келинингизин эркалаб, силаб-сипалайсиз.
Мен шифокорнинг жомадонини кўтариб уйга бошлаб кирганимда, келинингиз билан аллақачон ҳозирланиб кутиб турган экансиз. "Тез ёрдам" машинаси бизни бир зумда шаҳар тугруқхоналаридан бирига элтиб ташлади.

Мен бугун илк бора оталик туйғусини, оталик масъулиятини ҳис қилдим.
Ана шу тугруқхонада ётган мурғак чақалқонинг томирларида менинг қоним оқаяпти. У менинг зурриёдим, ҳаётим давомчиси. У сизнинг набиранингиз, онажон.
Сен тугилдинг, сен-ла тугилди, Юрагимда оталик ҳисси.
Ғариб кулбам нурга йўғрилди, Уйга тўлди гулларнинг иси.
Равшан ИСОҚОВ
Тошкент шаҳри, Бектемир тумани.

УЛАР БИЗДАН ХАБАРДОР

Мақсуда билан бир неча йил аввал ахил ён қўшнилар эдик. Кейинчалик улар бу ердан кўчиб кетишди. Бироқ биз тез-тез бир-биримиздан хабар олиб тураемиз. Ёшимиздаги фарқ 6 йил бўлса-да, ниҳоятда сирдош дўстларимиз. Кўпгина муаммоларимизни бамаслаҳат ҳал қилаемиз. Бундан кўни-қўшнилар, касбдошлар ва ҳаттоки қариндошлар ҳам хабардор. 8-март арафасида Мақсуда бизниқига келиб:

- Замира опа, кеча бир туш кўрдим. Тушимда ноз-неъматларга тўла дастурхон атрофида сиз, мен ва қизим Мафтуна ўтирган эмишимиз. Рўпарамизда сизнинг ота-онангиз ўтирган эмишлар. Отангизни умримда кўрмаганман. Фақат расмларини кўрганман. Сиз айтгандай баян буйли, гавдали одам эмишлар. Менга чой қуйиб, шакар солиб олдимга қўйдилар. Онангизни кўрганман. Гаплашганман. У киши ҳам ўша туриш эканлар. Онангиз менга: "Қизим, Замирадан эҳтиёт бўлинг. Тез-тез хабар олиб туринг. У ерда унинг бир ўзи, ҳеч кими йўқ. Бориб-бориб туринг, хўпми, қизим", - деб қайта-қайта тайинладилар. Эрталаб ту-

риб, ис чиқардим ва сиздан хабар олишга келдим, - деди.

Беихтиёр кўзларимга ёш келди. Онагина мени Навоийдан Навбахорга узатган эдилар. Орадаги масофа унчалик узоқ бўлмаса-да, барибир хавотир омилидилар-да. Дунёдан ўтиб кетган одамлар биз тириклардан хабардор бўлиб туришаркан-да.

Отаним 48 ёшларида ҳаётдан бевақт кўз юмган эдилар. Онагинам 2006 йил 73 ёшларида дунёдан ўтдилар. Онангизим ўлимларидан 6 ой бурун отанимни тушларида кўрганларини ва отам ҳеч бир гап-сўзсиз онамга 2 та бармоқларини кўрсатганларини айтган эканлар. Энди билсак, 2 та бармоқ 22 рақамини билдирган экан. Яъни онагинам 22 апрелда вафот этишларидан дарак экан.

Ўлган одам биз тириклар ўйлаганчалик нишонсиз кетмаскан. Улар ҳаммиса биздан хабардор эканлар. Илойим, она-отанинг жойлари жаннатда бўлсин. Гўрлари нурга тўлсин. Охиратлари обод бўлсин.

Замира БОЗОРОВА,
Навоий вилояти, Навбахор тумани,
А. Қаҳҳор номли мактаб ўқитувчиси.



САВОҚЛАРИМ — ХУЛОСАЛАРИМ

Бир вақтлар ўқиган эдим: келинлар қайнона зугумини тотиб бола-чақали бўладилар-да, ўзлари қайнона бўлган, келинга беш баттар зугум ўтказадилар. Бу фикрга қўшимча қилмоқчиман: келинларга эркалар раҳмдил бўлганлари ҳолда аёллар нечун бешафқат бўладилар? Ҳолбуки, ўзлари ҳам келин бўлганлар. Нечун улар шундай бўлишларини мен яхши биламан. Аммо айтмайман... Улардан кўрқаман...

Мухаббат - қип қизил гунчага ўхшайди. Очилишини сабрсизлик билан кутасан. Очилган, унга етишсанг олам нурафшон, кўнглинг чароғон бўлади, унинг нашидасини сурсан. Етиша олмасанг олам зимистон, кўнглинг зим-зиё бўлади, унинг аламини тортасан. Дунёда яна шундай қанақа гунча бор? Ҳеч қанақа!!!

Азимжон ҚОСИМОВ

ВАЛИЕВ ЖАМШИД ХУСНИДДИНОВИЧга ТАТУдан 2004 йилда берилган 04 TP 145-рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

«Савдо нашриёти»га Ҳамза тумани ҳокимиятидан 10.08.04 йилда берилган № 000337-07 рақами билан рўйхатга олинган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

ТАБОБАТ ҚОМУСИ

Ўзбекистон халқ табобати академияси бош табиби Абдулазиз Саиднуриддин ўғлининг "Ўзбек халқ табобатидан ўғитлар" китоби яқинда босмадан чиқди. Кўйида, ана шу китобга кирган ўғитлардан баъзиларини диққатингизга ҳавола этмоқчи жоиз деб билдим:

- ✓ Тутқаноқ дардини даволаш учун гултожиҳўрозни қайнатиб ичиш лозим.
- ✓ Ўрик довучалигида-ғўрлигида совуқлик ҳисобланади, пишиб сарғайган, иссиқлик мевага айланади. Ўрик довучаси-ғўраси қон ва қанд касаллигига даво. Ўрик елимини эритиб, унга асал қўшиб истеъмол қилинса, ошқозон касалига даво бўлади.
- ✓ Инсон учун энг ширин онлардан бири—унинг жисмонан чарчаганини сезиши, ҳис қилиши бўлади.
- ✓ Энг тўйимли ва тўқ тутадиган таом бу—тут толқонидир. Шу билан бирга у ошқозон-хазм йўллари, жигарни да-

волайди ва у кўп йиллар мобайнида асло айнимайди.
✓ Наъматак дамламаси совуқ миҳозли ва қон босими паст одамларга энг яхши чой ўрнини боса олади. Жигар оғригини қолдиришда наъматак чой шифобахш малҳамлардан биридир. Уни болалар суюб истеъмол қиладилар. У иштаҳа онади, қувват бўлади.

Китобингизни ўқидим

- ✓ Асални кўк чой билан ичманг, қувватни кесади. Илик сувда эритиб ичинг, қуввати йўқолмайди.
- ✓ Бўйга нисбатан одамнинг вазни оғирлашса ёки аксинча енгиллашса хотиранинг ёмонлашуви сабаб бўлади. Ўзбекистон табобат академияси бош табиби Абдулазиз Саиднуриддин ўғлининг "Ўзбек халқ табобатидан ўғитлар" китоби ҳар бир оиланинг қимматли маънавий мулкига, яқин маслаҳаттўйига, қундалик ҳаётига нур киритувчи табобат қомусига айланса ажабмас.

Ҳикмат МАҲСУМОВ

ИКИР-ФИКРЛАР САВОЛЛАР, САВОЛЛАР

у... "Тинчлик учун, соғлиқ учун" деб қадаҳ кўтарди, кўтараверди. Оқибат нима бўлди? Тинчлигини ҳам, соғлигини ҳам йўқотди. Қимматли саналган оиласи, ёру дўстларидан айрилди.

у... Бировларни алдаб-сулдаб пулини оларди. Ваъдалар бериб, унга амал қилмасди. Қарғишлар бир кун унинг гирибонидан олди. Ўзи тузалмас касалга йўлиқди. Бошқалар пулига харид қилган новвослари ҳаром ўлди, ниҳоят хонавайрон бўлди.

Жамшид: - Нега одамлар уйи олдидан ўтсангиз, "чой ичамиз", деб чорлашадую, уйга киритгандан сўнгра ароқ ичиришадиди? Чой ароқдан пайдо бўлганими?

Назаржон: - Тоғам мени хашарга айтдилар. Пул берсалар бораёми ёки шундай бораверайми?

Ўғил отага: - Нега сиз кўрган ҳамма боболарни "отагинам" дейсиз? Сизнинг отангиз нечта, дада?

Баҳодир ЭГАМ.

Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳридаги 4 хонали, таъмирланган уй (3-қават) зудлик билан **СОТИЛАДИ**. Тел: 332-65-13, 405-59-13

Торт, пиширик, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нарҳда ўргатаман. Тел: 170-18-86

КҮЙ (21.03 — 20.04). - Ҳафтанинг бошида анча ишларни бажарасиз. Дам олиш кунини уй-рўзгорингизга қимматбахо буюм сотиб оласиз.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Шахсий ҳаётингизда кўнгилли ўзгаришлар юз беради. Харидларни эса жума кунини амалга оширинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Бизнес соҳасида анчагина муаммолар чиқса-да, ҳафта охирида хорижга саёҳат қилишингиз эҳтимоли бор.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Мухим воқеаларга бой ҳафта. Оилангиз ва фарзандларингизга кўпроқ вақт ажратишингиз зарур.

МУНАЖЖИМЛАР

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Ҳафтанинг иккинчи ярми омадли кечади. Истаганча дам оласиз. Ҳамкорларингиз билан учрасасиз.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Яқинларингиз билан бўладиган кўнглисизликни оғир-вазминлик билан ҳал қилишингиз мумкин.

ТАРОСИ (24.09 — 23.10). - Тавакал қилишингизга тўғри келади. Бироқ, дўстларингизга кўп ҳам ишонмаслигингиз керак.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Ишингизга оид машаққатлар ортда қолади. Жума кунини ҳужжатларга имзо қўйишда эҳтиёт бўлинг.


БАШОРАТИ

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12). - Шахсий ҳаётингиз ва бизнесингизда сизга омад ёр бўлади. Тер тўкиб ишлашда давом этинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Ҳамкасбларингиз билан бўлган муносабатларингиз яхшиланади. Дўстларингиз билан сафарга чиқасиз.

ҚОВҒА (21.01 — 18.02). - Ўзгаларга ваъда беришга шошилманг. Ҳафта давомида янги идиш-товуқлар ёки мебеллар сотиб олишингиз кутилмоқда.

БАЛИК (19.02 — 20.03). - Ушбу ҳафта давомида дадиллик билан анчагина режаларингизни амалга оширасиз. Яқинларингиз билан учрасасиз.



Сиз ҳамиша рўзгорни бадастиру бут сақлардингиз. Қўша-қўша иморатларимиз бўлмаса-да, (ҳеч кимдан-ку кам эмасдик), дастурхон тўкин, бекаму кўст эди. Молхонада молу ҳол, омборда дон-дун, қанд-курс, гўшт-ёғ бисёр эди. Шифтларда қовун-тарвузу, узуму анорлар баҳорларга-гача осиглик турар, қишда ҳам дастурхондан мева аримасди. Буларнинг барчаси Сизнинг машаққатли меҳнатингиз, чеккан захматларингиз меваси эканини энди англаб етаяпман.

Сиз Қуръони Каримни ёд билган ва ўқишни қанда қилмайдиган одам, ўта инсонпарвар ва етимпарвар эканлигингизни кўплар ҳалиям айтиб юришади. Ахир, Сиз Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳис саломнинг "Ҳожатинг раво бўлишини хоҳлайсанми? Хоҳласанг, етимларга меҳрибон бўл, уларнинг бошини сила, ўз таомингдан уларга едир. Шунда дилинг юмшаб, хожатинг раво бўлади", деган ўғитларига амал қиларкансиз-да. Сиз бо-

ли машғулотиңгиз эди. "Бўғир-сок" эртагини ҳар куни неча марталаб айттардим...

Мустабид тузум даврида ҳам сандал атрофида Қуръон сураларини бизга ёд олдириган, ифторлигу хатми Қуръонларни қанда қилмай ўтказадиган Сиз беназир инсон доимо дердингиз: "Тиловат ҳам, нарзи ниёз ҳам Оллоҳ учун эмас, ҳар бир инсоннинг ўзи учун керак: тоза-риш учун, покланиш, ҳалол яшаш ва довоғлар олиш учун. Саховат саодатга элтади, бахиллик кўнгилни ғамхона қилади, ҳасад ҳалокатга етақлайди. Яссавий ҳазратлари айтганларидек, тупроқ бўлгин, олам сени босиб ўтсин!..."

"Қалб - Оллоҳ назароҳи. Касу нокас, дўсту душман кўзи тушадиган жойларин-

уларнинг ранги, ҳаёлларнинг тизгини бўлмаганидек, айрилик азобининг ҳам адои йўқ экан. Назаримда ҳаёт ҳам автобусга ўхшаб кетади. Унда кимдир ўтириб, кимдир тикка туриб ўтказиши умрини. Турмуш ташвишлари тинкангни қуриштириб, ўлчаб берган умрию ризки охирабсан инсон тин оларкан бир пас ва бу абадий уйку, роҳат ҳам бўлиши мумкин экан.

Дадажоним, мана неча йилдирки, Сизни истаб, Сиз юрган йўлларда оёқларим ботиб-ботиб, изларимда кетдилар толиб-толиб. Юрар йўлу сўқмоқларим ҳам кетдилар ҳориб-ҳориб. Аммо... ҳали-ҳануз изларингизни излайвераман, излайвераман. Кўча кезаман, ҳовлим олди, йўл ёқларини ҳар тоғ айланавераман, изларингиз



ҚОЗОННИНГ КҮНГИРОҒИ БОР ДАДАМ

Дадам, дадажоним. Ҳа, ҳа, қозоннинг кўнгироғи бор дадагинам. Чинданам, гарчи онам ҳазил аралаш бу гапни кунора такрорлаган бўлсалар-да, шундай эди. Болалигимни эсласам, бирор кунги оиламиз билан ёлғиз овқатланганимизни хотирлай олмайман. Дарвоза доим очик, келганлар ҳам тақиллатибмас, ўз уйига келгандай, қақриб кириб келаверишарди. Овқат сузаётган онам бўлсалар: "Даданг қозоннинг кўнгироғи бор, калки теккизим дегунча чалаверайди, дўсту биродар, меҳмонларни чорлаб", - дердилар.

Одатда қизларни оналарига ўхшатишарди. Гарчи қиёфам онамни кўпроқ эслатса-да, феълим Сизнинг худди ўзингиз. Шу боис Сизни билганлар, даврангизда ўтирганлар мени Сизга ўхшатишса, "Меҳмоннавозлигу даврашинлиги отасининг худди ўзи-я", - десалар, бирам яйраб кетаманки...

Бир кун бозорда бир отахон тўрхалтани тўлдириб, анор олсам, пулини сира олмай тижирлик қилганида, "йўқ, оласиз", деб туриб олдим. - Кўржа, ишим тушиб катта идораларга бориш одатим йўқ, сенга ҳам ҳеч қандай юмушим йўқ. Ахир сен Болта Шарофинг қизимсан? Бу анорларимни отанг дастурхондан еган нону туз, кўрган марҳаматларим ҳаққи-хурмати олиб кетгин, отангнинг ҳам руҳлари шод бўлади, - деганида қанчалар фахрлангандим.

Сиз тилаб-тилаб олганингиз эркакоти фарзандларингиз - бизлар учун нималар қилмасдингиз? Ҳаётнинг аччиқ-чучуғи, яхши-ёмон кунларини кўрсангиз, ҳеч қачон оғирингиз остидан, енгилнинг устидан ўтмаганингиз беш қўлдай аён. Ҳа, ҳа, ҳаётингиз меҳнат билан ўтди, умрингиз охиригача меҳнат қўлини тўддингиз, бировни алдамadingиз, ҳақини емадингиз бирор кимсанингиз. Доимо бердингиз қўш қўлаб, аммо олмадингиз мисқоллаб ҳам. Чунки берар чоғиёқ олишини ўйламадингиз. "Бермоқнинг савоби бор", дердингиз-да. Манфаат учун, ҳисоб-китоб билан ҳеч ким билан яқин бўлмадингиз.

шини силаган, таом едирган қариндошуруғлар, жигардек қадрдон бўлиб кетган инсонларнинг ҳикояларини тинглаб, қанчалар қувонаман.

Болапарварликда Сизга тенг келадигани йўқ эди. Сал иситмаласак бошимизда парвона эдингиз. Сайёра опамдан (жойлари жаннатда бўлсин) доимо бохабар, Тошбиби опам бетоб бўлиб қолганидаги жонсарақлигингиз, Жўракул укам туғилганида юртга икки марталаб тўй берганларингиз. Мактабни тугатганимда 15 ёшни ҳам тўлдирмаган, паспортим ҳам йўқ эди. Институтга ҳужжат топширгани борганимизда, паспортим йўқлиги учун қабул комиссияси ҳужжатларимни олмади. Кўзда ёш билан яктагингизни тўшаб, дарахт соясида ўтирган Сизнинг олдингизга келиб, воқеани тўшунтирдим.

Кулдингиз. "Мен йиғлаяпману Сиз куласиз-а", - дедим хуноб бўлиб. - Кулмай, йиғлайми? - дедингиз хотиржам. - Сени мактабда ўқитган давлат институтида ўқитмайдами, болам? Қилсанг агар сабр, Оллоҳ берар бирма-бир, - дедингиз хиргойи қилгандай. - Бехузуда Қуръонда ҳам сабр 70 марта зикр қилинмаган, - дея қўшиб қўйдингиз.

Оллоҳ сабрлиларни яхши қўришга ва марҳаматлари билан сийлашига умрим давомида кўп бора амин бўлдим.

Дарҳақиқат, институтга ҳам кирдим, имтиёзли диплом билан тугатдим ҳам. Бировдан кам бўлмай яшаб, ишлаб юрганларим ҳам Сизнинг дуоларингиздан бўлса керак. Бахтга элтувчи йўл маърифат эканлигини ўқтирганингиз, зару зевар, молу дунёга эмас, илмга интиладиган қилиб тарбиялаганингиз, ҳамиша билимга, инсофу диёнатга, саховатга даъват этганингиз учун Сиздан миннатдоримиз. Опаларим ҳам кам бўлишмади. Сиз тўфайли укам иккимиз олий маълумотли бўлдик. Болаларни олти ёшдан ўқитиш энди расм бўла бошлади. Ахир, Сиз эллик йил олдин мени беш ёшдан мактабга берган экансиз. Ҳар кечкурон ҳовли тўла кўни-қўшилару меҳмонларга менга шеър айтириш энг семил-

гизни поклаб, ораста тутуш яхши. Аммо парвардигор назари тушадиган юрагингизни пок сақлашни ўрганинг", деган ўғитларингизни унутиб бўладими, дадажон!..

Супранинг эскиси, ота-онанинг қариси бўлмайди, деб нақадар топиб айтишган экан-а. Алпомишдай жигару фарзандларингиз, ҳамиятли дўсту ёрларнинг бирортаси муқиллабгина қолган ота-она ўрнини босмас экан, босолмас экан, айниқса, бетоблик чоғларингда...

Бетобман. Беморнинг бемадорлиги-куаниқ, аммо кўнгли худаям дўстлар қўларкан. Худога шуқр, йўқлаб келгувчилар кўп, дардимни бўлишадиганлар бисёр. Фарзандлар парвонаю ёру дўстлар меҳрибону гиргиттон. Кўнгул эса ярим, руҳ етим, жисм ланж. Ҳаёлимдан тинчлик бермай ўтади бир ўй: барибир ҳақиқий ғам-хўрларим ернинг остида... Кўзни юмдим дегунча ойнага кўлларини қўйиб, деразадан боқиб турган икки жуфт кўз кўринаверайди, кўзимни очгим келмайди. Ва бир пайт кўз очсам, икки калакача парвоз этаётти бошим устида: қанотчалар оппоқ, уни тасвирлай олмайман, шунчакам чиройли, кўз элас-элас илғайди, холос. Қўлларимни чўзаман тутмоқчи бўлиб, улар ҳали бошим, ҳали оёқларим устида парвоз қилишарди. Уч кун давом этди бу ҳол. Сал ўзимга келгач, улар кўринмай қолди. Аниқ сездимки, бу Сиз эдингиз, онамни етақлаб, бошим узра парвонаю гирдиканалак бўлган. Тириклар ўлик, ўликлар тирик, деган гапда жон бор экан, чамамда. Шифокорлар муолажасими, ё Сизларнинг руҳингиз мададими, оёққа туриб кетдим ҳарқалай...

Болалигимда чопонингиз пахтасида қолган чигитни топишни хуш кўрардим, ҳар кунги қайта-қайта топардим. Энди ўйлайман: чопонингиз қатларидаги биттагина митти чигитчалик хизмат қилолдимми Сизга?! Бахтнинг шаклу шамойили, туй-

қолганмикан деб, ҳоки пойингиз гардини кўзларимга суртай деб. Бу айрилик адо қилади, дийдор дарди гадо қилади. Лекин наилоҳ.

Маҳдиддин Хавофийнинг "Кўнгулда мусаффолик туғдирувчи айрилик жафо туғдирувчи яқинликдан яхши", деган ҳикматларидан таскин излайман. Ҳадиси Шарифда айтилишича, болалар отасининг кўринишидир дея, Сизга чекраси монанд Тошбиби опамга боқаман. Дали-ғули Жўракулнинг укамга, унинг Сизга жуда ўхшайдиган Муродоли ва Мақсудали ўлғага, бўйи баста Сизни эслатувчи Шўхратжон ўғлим қадди-қоматига қараб шуқрона қиламан. Жиянларим - беш оға-ини ботирларим: Бахшилло, Йўлдош, Фарҳод, Фурқат, Самандарлар, қатор неварачекараларингиз чекраси-ю хатти-ҳаракатларидан Сизга тимсол излайман, қиёс қиламан.

Юртда тўй-тантаналар бўлаётганда, фарзандлари яхши ишлар бошида туриб, одамлар қалбига згулик уруғларини экиб, бу ҳурсандчиликлар меваларини минг-минглаб татиб, роҳатланганда бунинг савоби уларнинг етти пуштигача етар, Оллоҳ ўтганларни ҳам раҳмат нурлари-ла сийлар экан. Дадажон, Ғиждувонимиз улуг пиримизнинг 900 йиллигини тантана қилаётган кезларда Хожаи Жаҳонга сажда қилиб ўтган, буюқ зот мақбаралари зибёртидан ҳеч қачон оёғи узилмаган, бизнида бу муқаддас маконни тавоф қилишга гоҳ пинҳона етақлаб борган Сиз, қиблагохим қанчалар қувонган бўлардингиз. Сиз орзулаган кунларга бизни етказганига шуқр. Биз, фарзандлар қувонсак, Сизнинг ҳам, сизга ўхшаш минг-минглаб оталаринг руҳлари албатта шод бўлгали!

Бахшанда БОЛТАЕВА, Бухоро вилояти, Ғиждувон шаҳри.

Жондан азиз қизим Муқаддас! Сен барчамиз учун қадрли, ўнта боланинг орасида сараси эдинг. Гарчи оилада тўртинчи фарзанд, учинчи қиз бўлиб дунёга келган бўлсанг ҳам роса хурсанд бўлгандим. Истингини эзгу тилаклар билан Муқаддас, деб қўйгандим. Шунчакам ёқимтой қизча эдингки, ҳамма яхши кўрарди, ширин қилиқларинг билан ҳаммамни ўзингга қаратардинг. Беш ёшингда туғилган кунинг билан табриқлаб, сенга кўнгиноқ сова қилганим эсимда. Жуда хурсанд бўлиб кетгандинг. Жажж қўлчаларинг билан опанг

МЕН УЧУН ТИРИКСАН

ёрдамида кўнгиноғингга қўйлака тиккандинг. Шамоллаб касал бўлиб қолганимда: "Отахон, албатта мактабни битириб, дўхтир бўламан, сизни ўзим даволайман", деган гапинг ҳеч ёдимдан чикмайди. Мактабни аъло баҳолар билан битириб, қўли енгил ҳамшира ва қўли гул чевар бўлдинг. Сен тиккан қўйлак ва чопонларга ҳаммамнинг ҳаваси келарди. Она қизим, сенинг бахтинг бутун, бекам ҳаётингдан мамнун эдик. Ойланг билан шаҳ-


ри азим Тошкентда яшардинг. Доимо телефонда хабарлашиб турардинг. Сенинг келишинг биз учун байрам эди. Лекин шафқатсиз ўлим сени орамиздан олиб кетди.

Қизим, ҳаётингнинг сўнги дамида ёнингда бўлолмадим. Ёлғиз ўлгинг Жамшидхон сендан бизга ёдгор бўлиб қолди. Ҳеч бир ота фарзандининг тобутини кўтармасин экан. Бу ғам онанг иккимизнинг қаддимизни эгиб қўйди. Қизим, баҳор ойининг

Бошга оғир кун тушгандан юракда малҳам излайсан. Катта қизим "Оила ва жамият"нинг муҳлиси. Оғир аҳволда ўтирганимда шу газетани етказиб турди. Турфа хил тақдирларни ўқиб, ўзимга ўзим далда бердим. Неварамнинг камолини кўриб, қўлимдан келганча ёрдам бериб қизимнинг руҳини шод қилишни ният қилдим. Бунинг учун газетага катта раҳмат.

Тошмурад БОЛОВЕВ, Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, Ногоҳон қишлоғи.

ДУШАНБА 3



Хурматли телето-мошабинлар!

Профилактика муносабати билан душанба, 3 декабр куни "O'zbekiston" телерадиоканаллари ўз кўрсатувлари соат 14.55 дан бошлайди. 14.55 Кўрсатувлар дастури. 15.00 "Тахлилнома". 15.40 ТВ анонс. 15.45 "Ҳамон ёдимда". 16.25 "Аччиқ ёлгон". Т/с 17.00 "Ахборот". 17.10 ТВ анонс. 17.15 "Шукрона". "Болалар сайёраси": 17.40 "Эртақлар - яхшиликка етаклар". 17.55 "Минг бир ривоят". 18.00 "Турмуш чорраҳаларида". Т/с 18.50 "Химмат". 19.10 "Оҳанглар

оғушида". 19.20 "Сизнинг адвокатингиз". 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 19.30 "Ахборот". 20.00 ТВ анонс. 20.05 "ТВ шифокор". 20.10 "Аччиқ ёлгон". Т/с 20.50 "Минг бир ривоят". 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 Эркин мавзу. 22.00 "Кўнгил риштаси". Т/с 22.55 ТВ анонс. 23.00 "Кўшигимсан, муҳаббат". 23.15 "Рамаёна". Т/с 23.50-24.00 Тунги наволар.



7.00 "Янги тонг". 8.00 Т/с "АНЖЕЛИКА". 8.30 "Янги авлод - 2007". 10.00 "Давр ҳафта ичида". 10.30 "Матонат". 10.45 Миллий кино: "СОГИНЧ СОХИЛИ".

12.45 "Матонат". 13.00 "ДАВР". 13.10 "Афсона ва ҳақиқат". 14.00 Т/с "ПУАРО". 15.00 "Янги кун". 15.50 "Мулки мумтоз". 16.00 "Давр". 16.10 "Муъжизавий дунё". 17.00 "Даврининг боласи". 17.30 "Болалар табассуми". 17.35 "Мурувват". 17.45 "Матонат". 18.00 "KINOMANIYA". 18.30 "Ешлик наволари". 18.50 "UzEX хабарлари". 19.00 "Давр". 19.30 Т/с "ЕМФИР СИМФОНИЯСИ". 20.10 "СПОРТЛОТО". 20.50 Т/с "АЛИЯ". 21.35 "UzEX хабарлари". 22.00 "Давр". 22.30 Т/с "ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ".




17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 Мультфильм. 18.05 "Телекурьер - маркет". 18.25 "Биласизми?". 18.30 "Пойтахт". 18.45 "Анонс". 18.50 "Камила". Т/с 19.20 "ТВ юрист". 19.25 "Муסיқа

SMS". 19.50 "Саломат бўлинг". 20.00 "Пойтахт". 20.15 "ТВ юрист". 20.20 "Милагрос". Т/с 20.50 "Интервью". 21.00 "Жозиба". 21.25 "Анонс". 21.30 "Пойтахт". 21.45 "Ўйларим". 21.50 "Телекурьер - маркет". 22.10 "Аёл қалби". 22.30 "Пойтахт". 22.45 "Кино SMS со звездами". 22.50-00.45. Кино: "Шоколад".



7.00 "Бодрое утро". 8.00 "Талкин". 8.30 "Детективи". 9.00 "Версия". 9.30 "Малахов +". 10.30 "Мониторинг". 10.50 Гандбол. 11.30 "Учрашув". 12.20 Баскетбол. 13.00 Теннис. 14.00 Футбол. "Локомотив" - "Куровчи".

18.00 "Полвонжон". 18.20 Мультфильм. 18.30 "Хабарлар". 18.50 "Муסיкий тайм". 19.10 "Жасорат". 19.35 "Футбол шарҳи". 20.00 "Жди меня". 20.50 "Сув париси". 21.30 "Хабарлар". 21.50 Бокс. 22.40 Футбол. "Трактор" - "Пахтакор".




07.00 Ўзбек наволари 08.00 "Жасига ухшаши йук" 20-серия (такор) 08.30 Ўзбек наволари 09.00 "Дневник МТВА-2007" 09.10 Ўзбек наволари 10.00 "После завтра" х/ф 12.00 Ўзбек наволари 12.30 "Премьера" (узб) 13.00 Ўзбек наволари 13.30 "Премьера" (рус) 14.00 Ўзбек наволари 15.30 "Бэби хитс" 16.20 "Беш панжа" (рус) 16.40 Мультфильм 17.10 "Дневник МТВА-2007" 17.20 Серил "Париждаги муҳаббат" 9-серия (такор) 23.20 Ўзбек наволари 19.20 "Дневник МТВА-2007" 19.30 Серил "ЖАССИГА УХШАШИ ЙУК" 21-серия 20.00 Ўзбек наволари 21.30 "Премьера" (узб) 21.00 Ўзбек наволари 21.30 "Премьера" (рус) 22.00 Ўзбек наволари 23.00 "Жасига ухшаши йук" 20-серия (такор)

5.00 Телеканал "Добро утро" 9.00 Новости 9.05 Телеканал "Добро утро". Продолжение 9.30 "Малахов +". 10.30 "Контрольная закупка" 11.00 "Убойная сила". Многосерийный фильм 12.00 Новости 12.15 "Модный приговор" 13.25 "Детективи" 14.00 Другие новости 14.30 "Фабрика звезд" 15.00 Новости (с субтитрами) 15.15 "Понять. Простить" 15.50 "Лолита. Без комплексов" 16.55 "Федеральный судья" 18.00 Вечерние новости (с субтитрами) 18.15 "Жди меня" 19.05 "Татьянин день". 20.05 "След" 21.00 Время 21.30 Премьера. "Личная жизнь доктора Селивановой". Многосерийный фильм 22.25 Премьера. "Преступление и наказание". 23.25 "Фабрика звезд" 0.00 Теория вероятности. "Попавшие в сеть" 0.45 Ночные новости 1.00 "Гени и злодеи" 1.30 Романтическая комедия "Свидания со звездой" 3.00 Время 3.35 Приключенческий сериал "Собачье дело" 4.25 "Детективи"

5.05 "Доброе утро!". 8.00 "Кто убил Котовского?". 8.55 Х/ф "За витриной универмага". 10.45 ВЕСТИ. 11.00 ВЕСТИ. 11.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. 11.50 "Таинственный остров". Телесернал. 12.15 "Ступени". Телевикторина. 12.45 "Мышонок Пик". 13.05 ПРЕМЬЕРА. "Сверхъестественно: удивительные силы животных". Д/С 13.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. 14.00 ВЕСТИ. 14.10 ПРЕМЬЕРА. "Сибирочка". Телесернал. 14.40 "Мачеха". 2007г. 15.30 "Суд идет". 16.30 "Кулагин и партнеры". 17.00 ВЕСТИ. 17.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. 17.40 "Ангел-хранитель". 18.40 "Тайны следствия". 19.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. 20.00 ВЕСТИ. 20.45 "Спокойной ночи, малыши!". 20.55 "Ликвидация". 21.55 "Тайны следствия". 22.55 "Дежурный по стране". 23.55 "ВЕСТИ+". 0.15 ВЕСТИ. 0.30 "Честный детектив". 1.00 "Синемания". 1.30 Х/ф "Мемфисская красавица" (США), 1990г. 3.40 "Дорожный патруль". 3.55 Канал "Евроныос". 4.40 ВЕСТИ.

СЕШАНБА 4




6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". 7.00 "Сарой жавоҳири". Т/с 7.35 "Икки дарё оралигида". 7.55 "Олтин мерос". 8.00-8.35 "Ахборот". 8.35 ТВ анонс. 8.40 "Замин гаройиботлари". "Болалар сайёраси": 9.05 1. "Уйла, Изла, Топ!". Мультфильм. 10.10 "Одами эрсанг" 10.30 Д. Зокиров номидаги халқ чоғуларии оркестрининг концерти. 10.50 "Сизнинг адвокатингиз". 10.55 "ТВ шифокор". 11.00 "Ахборот". 11.10 ТВ анонс. 11.15 "Аччиқ ёлгон". Т/с 11.50 "Ахборот". 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Т/с 13.00 "Кўнгил риштаси". Т/с 13.50 ТВ анонс. 13.55 "Олтин мерос". 14.00 "Ахборот". 14.15 ТВ анонс. 14.20 "Турмуш чорраҳаларида". Т/с 15.10 "Икки дарё оралигида". 15.30 "Заковат". 16.20 "Бир кун".

16.45 "ИИВ хабарлари". 17.00 "Ахборот". 17.10 ТВ анонс. 17.15 "Олтин мерос". 17.20 "Агар Сиз", "Болалар сайёраси": 17.40 "Эртақлар - яхшиликка етаклар". 17.55 "Минг бир ривоят". 18.00 "Турмуш чорраҳаларида". Т/с 18.50 ТВ анонс. 18.55 "Худудлар ҳаёти". 19.10 "Оҳанглар оғушида". 19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар. 19.30 "Ахборот". 20.00 ТВ анонс. 20.05 "ТВ шифокор". 20.10 "Аччиқ ёлгон". Т/с 20.50 "Минг бир ривоят". 21.00 "Ахборот". 21.30 "Сайлов-2007". 21.50 "Олтин мерос". 22.00 "Кўнгил риштаси". Т/с 23.00 "Кўшигимсан, муҳаббат". 23.15 "Рамаёна". Т/с



7.00 "Янги тонг". 8.00 Т/с "АНЖЕЛИКА". 8.30 "Жаҳон мумтоз муסיкаси". 8.40 "Мўйқалам сеҳри". 9.10 "Қамолот" хабарлари. 9.30 Т/с "ЕМФИР СИМФОНИЯСИ". 10.00 "Давр". 10.10 "Интерфутбол". 11.40 "Қуйла, дилкаш дутор

рим!". 12.00 Т/с "АЛИЯ". 12.40 "Таълим ва тараққиёт". 13.00 "Давр". 13.10 "Афсона ва ҳақиқат". 14.00 Т/с "ПУАРО". 15.00 "Янги кун". 15.50 "Мулки мумтоз". 16.00 "Давр". 16.10 "Муъжизавий дунё". Маърифий серил. 17.00 "Даврининг боласи". 17.10 Мультсерил. 17.30 Т/с "ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ". 18.40 "Ешлик наволари". 19.00 "Давр". 19.30 Т/с "ЕМФИР СИМФОНИЯСИ". 20.10 "JOKER". 20.20 "Автопатруль". 20.40 "COSCOM" дан бахтли ўнгаллик". 20.50 Т/с "АЛИЯ". 21.40 "Сайлов - 2007". 22.00 "Давр". 22.30 Т/с "ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ".




7.30 Салом, Тошкент! 8.30 "Анонс". 8.35 "Камила". Т/с 9.05 "Телекурьер-маркет". 9.25 "ТВ юрист". 9.30 "Аёл қалби". 10.05 "Муסיқа SMS". 10.30 "Милагрос". Т/с 11.00 "Интервью". 21.30 "Хабарлар". 21.50 Бокс. С. Жаксон хотира турнири. 22.40 Спортинво кино: "Игра по чужим правилам". 00.40 Футбол. "Милан" - "Селтик".

18.30 "Пойтахт". 18.50 "Камила". Т/с 19.25 "Муסיқа SMS". 19.50 "Химоя". 20.00 "Пойтахт". 20.20 "Милагрос". Т/с 20.50 "Репортаж". 21.00 "Жозиба". 21.30 "Пойтахт". 21.50 "Телекурьер - маркет". 22.10 "Премьера". 22.30 "Пойтахт". 22.45 "Кино SMS со звездами". 22.50-00.30 Кино: "Эрагон".



7.00 "Бодрое утро". 8.00 "Хабарлар". 8.20 Мультфильм. 8.30 "Детективи". 9.00 "Хабарлар". 9.20 "Қарқина церковь в Урнасе". Документальный фильм. 9.30 "Малахов +". 10.30 Гандбол. 11.10 Футбол. "Нефчи" - "Андижон". 12.00-12.50 Теннис. ***




07.00 Ўзбек наволари 08.00 Серил "Жасига ухшаши йук" 21-серия 08.30 Ўзбек наволари 09.00 "Дневник МТВА-2007" 09.10 Ўзбек наволари 10.00 "Навбат Рашид Холиков билан" 10.30 Ўзбек наволари 12.00 "Марказ NEWS (узб) 12.05 Ўзбек наволари 12.30 "Дневник МТВА-2007" 14.00 Ўзбек наволари 13.00 Марказ NEWS (рус) 13.05 Ўзбек наволари 13.30 "Кинокурьер" 14.00 Ўзбек наволари 14.30 "Премьера" (узб) 15.00 Ўзбек наволари 15.30 "Бэби хитс" 16.20 "Беш панжа" (узб) 16.40 Мультфильм 17.10 "Дневник МТВА-2007" 17.20 "Париждаги муҳаббат" 10-серия (такор) 18.30 Ўзбек наволари 19.20 "Дневник МТВА-2007" 19.30 Серил "ЖАССИГА УХШАШИ ЙУК" 22-серия 20.00 Ўзбек наволари 20.20 Марказ NEWS (узб) 20.25 Ўзбек наволари 21.20 Марказ NEWS (рус) 21.25 Ўзбек наволари 21.30 "Юлдузли пайшанба" 22.00 Ўзбек наволари 23.00 Серил "Жасига ухшаши йук" 21-серия 23.30 Миксер

9.30 "Малахов +". 10.30 "Контрольная закупка" 11.00 "Убойная сила". 12.00 Новости 12.15 "Модный приговор" 13.25 "Детективи" 14.00 Другие новости 14.25 "Фабрика звезд" дома" 15.00 Новости 15.15 "Понять. Простить" 15.50 "Без комплексов" 16.55 "Федеральный судья" 18.00 Вечерние новости 18.15 "Пусть говорят" 19.05 "Татьянин день". 20.05 "След" 21.00 Время 21.30 Премьера. "Личная жизнь доктора Селивановой". Многосерийный фильм 22.25 Премьера. "Преступление и наказание". Многосерийный фильм 23.25 "Фабрика звезд" дома" 0.00 "Край. Обреченные на изгнание" 1.10 Ночные новости 1.25 "Доброй ночи" 2.25 Кевин Спейси в остросюжетном фильме "Эдизон" 3.00 Время 3.30 Остросюжетный фильм "Эдизон". Продолжение

12.15 "Вспомнить все". Телевикторина. 12.45 "Золотой мальчик". Мультфильм. 13.05 ПРЕМЬЕРА. "Сверхъестественно: удивительные силы животных". Документальный сериал. 13.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. 14.00 ВЕСТИ. 14.10 ПРЕМЬЕРА. "Сибирочка". Телесернал. 14.40 Дмитрий Мартынов в телесериале "Мачеха". 2007г. 15.30 "Суд идет". 16.30 "Кулагин и партнеры". 17.00 ВЕСТИ. 17.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. 17.40 "Ангел-хранитель". Телесернал. 18.40 Анна Ковальчук в детективном сериале "Тайны следствия". 19.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. 20.00 ВЕСТИ. 20.45 "Спокойной ночи, малыши!". 20.55 Константин Владленко в телесериале Сергея Уруляка "Ликвидация". 21.55 РУССКАЯ СЕРИЯ. Анна Ковальчук в детективном сериале "Тайны следствия". 22.55 ПРЕМЬЕРА. "Тайны следствия". Пленники Луны". 23.55 "ВЕСТИ+". 0.15 ВЕСТИ. 0.30 К ЮБИЛЕЮ ВЛАДИМИРА НАУМОВА. Борис Щербаков, Наталья Белыхостикова, Армен Джигарханян, Владимир Гостюхин и Владимир Заманский в фильме "Берег". 1984г. 3.15 "Держи меня крепче". Телесернал. 4.15 "Дорожный патруль". 4.30 Канал "Евроныос" на русском языке.

ЧОРШАНБА 5



6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". 7.00 "Сарой жавоҳири". Т/с 7.35 "Икки дарё оралигида". 7.55 "Олтин мерос". 8.00-8.35 "Ахборот". 8.35 ТВ анонс. 8.40 "Замин гаройиботлари". "Болалар сайёраси": 9.05 1. "Бизнинг кутубхона". 2. "Ғарбга саёҳат". Мультсерил. 9.40 "Агар Сиз" 10.00 ТВ анонс. 10.05 "Ягона оилада".

10.25 "Худудлар ҳаёти". 10.40 "ИИВ хабарлари". 10.55 "ТВ шифокор". 11.00 "Ахборот". 11.10 ТВ анонс. 11.15 "Аччиқ ёлгон". Т/с 11.50 "Киш". 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". 13.00 "Кўнгил риштаси". Т/с 13.50 ТВ анонс. 13.55 "Олтин мерос". 14.00 "Ахборот". 14.15 ТВ анонс. 14.20 "Турмуш чорраҳаларида". Т/с 15.10 "Икки дарё оралигида". 15.30 "Узбекистон ўғлонлари". 16.20 "Ҳамкорлик ришталари". 16.35 ТВ анонс. 16.40 "Эркин иқтисодиёт". 17.00 "Ахборот". 17.10 ТВ анонс.

17.15 "Олтин мерос". 17.20 "Таълимга эътибор - келажакка эътибор". "Болалар сайёраси": 17.40 "Эртақлар - яхшиликка етаклар". 17.55 "Минг бир ривоят". 18.00 "Турмуш чорраҳаларида". Т/с 18.50 "Рангин дунё". 19.10 "Оҳанглар оғушида". 19.20 "Сизнинг адвокатингиз". 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 19.30 "Ахборот". 20.00 "Сайлов - демократия кўзгуси". 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 "Одамлардан бири". 22.00 "Кўнгил риштаси". 22.55 ТВ анонс. 23.00 "Кўшигимсан, муҳаббат". 23.15 "Рамаёна". Т/с



7.00 "Янги тонг". 8.00 Т/с "АНЖЕЛИКА". 8.30 "Жаҳон мумтоз муסיкаси". 8.40 "Мўйқалам сеҳри". 9.15 "Мурувват". 9.25 "Ватаним!". 9.30 Т/с "ЕМФИР СИМФОНИЯСИ". 10.00 "Давр". 10.15 "Автопатруль". 10.30 "Ватанпарвар". 11.20 "Лангар". Видеофильм. 11.50 "Радиодан кўрсатамиз!". 12.00 Т/с "АЛИЯ". 12.40 "Чемпион сирлари". 13.00 "Давр".

13.10 "Афсона ва ҳақиқат". 14.00 Т/с "ПУАРО". 15.50 "Мулки мумтоз". 16.00 "Давр". 16.10 "Муъжизавий дунё". 17.00 "Даврининг боласи". 17.10 Мультсерил. 17.30 Т/с "ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ". 18.40 "Ешлик наволари". 19.00 "Давр". 19.30 Т/с "ЕМФИР СИМФОНИЯСИ". 20.05 "Муסיкий лаҳза". 20.10 "СПОРТЛОТО". 20.20 "Автопатруль". 20.35 "Ақойиботлар хазинаси". 20.40 "О, ашғилим...". 20.45 "Эълонлар". 20.50 Т/с "АЛИЯ". 21.35 "SMS-муסיқа". 21.55 "Yoshlar" анкетаси. 22.00 "Давр". 22.30 Т/с "ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ".



7.30 Салом, Тошкент! 8.30 "Камила". Т/с 9.05 "Телекурьер-маркет". 9.30 "Химоя". 9.55 "Репортаж". 10.05 Муסיқа SMS. 10.30 "Милагрос". Т/с 11.00 "Саломат бўлинг". 11.20 Кино: "Эрагон". 17.55 Мультфильм: 18.05 "Телекурьер-маркет". 18.50 "Камила". Т/с 19.25 "Муסיқа SMS". 20.00 "Пойтахт". 20.20 "Милагрос". Т/с 20.50 "Интервью". 21.00 "Жозиба". 21.30 "Пойтахт". 21.50 "Телекурьер-маркет". 22.10 "Эртақлар эгалари". 22.30 "Пойтахт". 22.50 Кино: "Воин севера".



7.00 "Бодрое утро". 8.30 "Детективи". 9.20 "Панама. 500 лет удачных сделок". Д/ф 9.30 "Малахов +". 10.30 Гандбол. 11.10 Футбол. Англия чемпионати шарҳи. 11.55-12.45 Теннис. 18.00 Мир детского спорта. 18.15 "Муסיкий тайм". 18.50 "Стенка на стенку". 19.15 "Халқ ўйинлари". 19.35 "Спортиниз маликалари". 20.00 "Колесо фортуны". 20.50 Гимнастрада бўйича Республика фестивали. 21.50 Футбол мундиал. 22.10 "Ровесник". 22.30 Футбол. "Шахтёр" - "Бенфика".

TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жасига ухшаш йук» 22-серия (такор)

14.30 «Топ-20» (такор)
15.10 Ўзбек наволари
15.55 «Баби хит»



5.00 «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 Телеканал «Доброе утро».

18.15 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
19.05 «Татьянин день».




5.00 «Доброе утро, Россия!»
8.00 «Громко».

14.00 ПРЕМЬЕРА. «Сибирочка». Телесериал.
14.40 Дмитрий Мартынов в телесериале «Манеча», 2007г.

21.55 РУССКАЯ СЕРИЯ. Анна Ковальчук в детективном сериале «Таинственные следствия».

ПАЙШАНБА 6



5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавохири».

14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 Эски альбом.
14.25 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с



6.55 Дастуринг очилиши.
7.00 «Янги тонг»
8.00 Т/С «АНЖЕЛИКА».

19.30 Т/С «ЭМФИР СИМФОНИЯСИ».
20.10 «Конституция менинг тақдиримда».



7.00 «Доброе утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 Мультфильм.

15.55 «Баби хит»
16.20 Мультфильм
17.10 Ўзбек наволари

22.25 Премьера. «Преступление и наказание». Многосерийный фильм

ЖУМА 7



5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавохири».

17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Саломатлик дастури».
17.20 «Болалар сайёраси».



13.00 «Давр»
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 Т/С «ПУАРО».

18.30 «Пойтахт»
18.50 «Камила» Т/с
19.25 «Музыка SMS».



07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жасига ухшаш йук» 24-серия

12.00 Новости
12.15 «Модный приговор»
13.20 «Детективы»

Телеигра.
12.45 Татьяна Ташкова, Михаил Егоров, Борис Новиков

ЖУМА 7



17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Саломатлик дастури».



13.00 «Давр»
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».

18.30 «Пойтахт»
18.50 «Камила» Т/с
19.25 «Музыка SMS».



07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жасига ухшаш йук» 24-серия

12.00 Новости
12.15 «Модный приговор»
13.20 «Детективы»

Телеигра.
12.45 Татьяна Ташкова, Михаил Егоров, Борис Новиков

ШАНБА 8




5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак». Т/с
7.45 «Олтин мерос».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Кўшли улкам».
9.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
11.00 А. Суюн. «Ўзбек давлати».
11.20 «Маўрит».
11.40 «Оналар мактаби».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Заковат».
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Одамлардан бири».
14.40 «Яратганга шукур». Б/ф
16.20 «Менинг университетим».
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Болалар дунёси».
17.55 ТВ анонс.
18.00 «Саломатлик сирлари».
18.20 «Хандалак». Ҳажвий курсатуви.
18.45 «Бир кун».
19.10 «Оханлар оғушида».
19.20 ТВ анонс.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.

19.30 «Ахборот»
20.00 «Сайлов – демократия кўзгуси».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Кеча келгумдир дебон»
22.15 ТВ анонс.
22.20 «Кичкина табиб». Б/ф
23.50 «Кўшигимсан, муҳаббат»
24.00 «Қандай гўзал бу дунё».



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ – 15 ЁШДА!
6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Янги тонг»
8.00 «НИХОЛ – 2007».
9.25 «Мусиқа SMS».
9.30 Т/С «**ЕМФИР СИМФОНИЯ-СИ**».
9.55 «Ажойиботлар хазиначиси».
10.00 «Давр»
10.10 «Конституция менинг тақдиримда»
10.20 «**АЗИРИС НУНА**». Фильм-эртақ.
11.50 «SMS-музыка».
12.00 Т/С «**АЛИЯ**».
12.40 «Айланай...»
13.00 «Давр»
13.10 «**КУВНОК ОЁҚЧАЛАР**». Мультифильм.
15.00 «Янги кун»
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр»
16.10 «Чемпион сирлари».
16.30 Миллий кино: «**ТЎЙЛАР МЎБРАКИ**»
17.30 «Эверест».
18.10 «Камолот» хабарлари.
18.20 «Каталог»
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Ажойиботлар хазиначиси».

18.55 «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр»
19.30 «ТУНГИ ПАРВОЗ».
20.00 «SMS-музыка».
20.20 «STYLE.UZ».
20.50 Т/С «**АЛИЯ**».
21.40 «Байрам наволари».
21.55 «Комусим!»
22.00 «Давр»
22.30 Миллий кино: «**МУҲАББАТ СИНОВЛАРИ**».
00.20 «Хайрли тун!»




7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Анонс»
8.35 «Камила». Т/с
9.05 «Телекуррьер-маркет».
9.30 «Саломат бўлинг».
9.50 «Биласизми?»
10.05 «Музыка SMS».
10.30 «Милагрос». Т/с
11.00 «Репортаж»
11.10 «Афиша»
11.30 «13.00 Кино: «Убей меня»».

17.50 Курсатувлар тартиби.
17.55 «Афиша».
18.05 «Телекуррьер-маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Музыка SMS»
19.25 «Музыка SMS».
20.00 «Пойтахт»
20.15 «Мысли вслух»
20.20 «Милагрос». Т/с
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозибат»
21.30 «Пойтахт»
21.50 «Телекуррьер-маркет».
22.10 «Истыдод».
22.30 «Пойтахт»
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50-00.45 Кино: «Превращаясь в Джейн».



8.00 «Хабарлар»
8.20 «Соғлом оила».
8.50 Мультифильм.
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Хабарлар»
10.25 «Смак».
10.55 «Путешествия натуралиста».
11.20 Прыжки на лыжах с трамплина. Кубок мира.
11.50 Биатлон. Жаҳон кубоги.
12.20-12.50 Каратэ. Ўзбекистон чемпиони.

18.00 «Баркамол авлод».
18.15 «Муслик тайм».
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Военное дело».
19.10 «Фоторевю».
19.30 «Тақдир чизгилари»
19.55 Еврופутбол. «Манчестер Юнайтед». «Дерби Каунти».
21.55 «Хабарлар»
22.15 «Ўзбекистон ифтихори».
22.45 Бизнинг кино: «Ургутлик афандилар». Бадий фильм.
24.00 Тунингиз осуда бўлсин!»



07.00 Ўзбек наволари
08.00 «Юдузли пайшанба»
08.30 Ўзбек наволари
09.00 «Дневник МТВА-2007»
09.10 Ўзбек наволари
09.30 «Бэби хитс»
10.20 «Беш панжа» (рус)
10.40 Мультифильм
11.10 Ўзбек наволари
11.30 «Икки қалб» бадий фильм
13.20 Ўзбек наволари
13.30 «Дневник МТВА-2007»

13.40 Ўзбек наволари
14.00 «Премьера» (узб)
14.30 Ўзбек наволари
15.30 «Кинокуррьер»
16.00 Ўзбек наволари
16.30 «Спец. репортаж»
17.00 Ўзбек наволари
17.30 «Бадий кенгаш»
18.40 Ўзбек наволари
19.00 «Шанба окшомида»
19.30 Сериал «ПАРИЖДАГИ МУХАББАТ» 11-серия
20.40 Ўзбек наволари
21.00 «Сунмас орзулар»
21.50 Ўзбек наволари
22.30 «ДВОРЕЦКИЙ БОБ» х/ф



6.00 Новости
6.20 «Отшельники». Д/ф
7.10 Х/ф «Спортивная честь»
9.00 «Слово пастыря»
9.15 «Здоровье»
10.00 Новости
10.25 «Смак»
10.55 Премьера. «Ни за какие деньги»
12.00 Новости (с субтитрами)
12.10 «Модный приговор»
13.05 Премьера. «Михаил Евдокимов. Судьба»
13.50 К 80-летию Эльдара Рязанова. Лия Ахеджакова в комедии «Небеса обетованные»
16.10 Х/ф «Джуманджи»
16.00 «Времена»
19.05 «Стенка на стенку»
19.40 «Ледниковый период»
21.00 Время
21.20 «Ледниковый период». Продолжение
22.45 «Что? Где? Когда?»
0.05 Премьера. Шедевры манги. «Акира»
2.15 Фильм «Дым отечества»
3.50 «Возвращение домой»
4.30 Сериал «Собачье дело»



6.00 «Доброе утро, Россия!».
7.30 «Студия Здоровье».
8.00 ВЕСТИ.
8.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
8.20 «Военная программа» Александра Сладкова.
8.45 «Утренняя почта».
9.20 «Субботник».
10.00 «Вокруг света».
11.00 ВЕСТИ.
11.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
11.20 «Формула власти». Вязь Дзюба – премьер Госсовета Китая.
11.50 «Очевидное – невероятное».
12.20 ПРЕМЬЕРА. «Лорд, разведчик и другие... Чеченские истории». Фильм Александра Сладкова.
13.15 «Сенат».
14.00 ВЕСТИ.
14.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
14.30 «Белым по черному». Ток-шоу Светланы Сорокиной.
15.30 «Резитор».
16.00 ПРЕМЬЕРА. «Победитель». Мультифильм (Канада - США). 2006г.
17.25 «Очень Синяя Борода».
«Пиф-паф-ой-ой-ой!». Мультифильм.
18.05 Светлана Крючкова и Константин Лавроненко в телесериале Сергея Урсуляка «Ликвидация».
20.00 ВЕСТИ.
20.20 «Ликвидация».
22.15 Сандра Буллок и Николь Кидман в фильме «Практическая магия» (США). 1998г.
0.15 «Евровидение - 2007». Международный конкурс исполнительниц детской песни». Прямая трансляция из Роттердама.
2.30 Майкл Кейн в остросюжетном фильме «Пленники «Посейдона» (США). 1979г.
4.50 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЯКШАНБА 9




5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак». Т/с
7.45 «Олтин мерос».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Семур». Б/ф
10.00 «Сайлов – демократия кўзгуси»
10.30 «Бир кун».
10.55 ТВ анонс.
11.00 «Кеча келгумдир дебон»
11.40 «Саломатлик сирлари»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 ТВ анонс.
13.05 «Осмондаги болалар». Б/ф
14.35 ТВ анонс.
14.40 «Осмондаги болалар-2». Б/ф
«Болалар сайёраси»:
16.05 Мультифильм.
16.20 «Оталар сўзи – акнинг кўзи»
17.20 «Интеллектуал ринг».
18.05 «Одами эрсанг»
18.25 ТВ анонс.
18.30 «Оддий ҳақиқатлар».
19.15 «Оханлар оғушида».
19.25, 20.55, 21.40

ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Тахлилнома»
20.00 «Сайлов – 2007».
20.20 «**АЧЧИК ЁЛҒОН**».
Т/с
21.00 «Тахлилнома».
21.45 ТВ анонс.
21.50 «Денгиздан томчи».
22.20 «Оханрабо»
23.00 «Менинг сўнги тангоим». Б/ф



7.00 Кино «**МАСХАРАБОЗ**».
8.20 «Мулки мумтоз».
8.30 «Рўзор мактаби».
9.00 «Якшанба нонушаси».
9.20 «Сеними, шошмай тур!» Мультифильм.
9.30 «Болалар давраси».
10.00 «Ватанпарвар»
10.50 Хинд киноси: «**ЗИДДИЯТ**».
13.50 «SMS-музыка».
14.00 Т/С «**АЛИЯ**».
14.40 «АКС». Ток-шоу.
15.20 «Чемпион сирлари».
15.40 «Ринг кироллари»
16.20 «Journal» (инглиз тилида)
16.40 «STYLE.UZ».
17.00 «КЕЛАЖАК ОВОЗИ – 2007» («Халқлар дўстлиги» саройидан ёзиб олинган)
18.25 «Оқшом кўнгираклари».
18.30 «Ёшлик наволари»
19.00 «Давр ҳафта ичида»
19.30 «Тошкент вернисаж».
20.00 «SMS-музыка»
20.20 «Сайлов – 2007».
20.45 «ТАРАНУМ»
21.30 «КИНОМАНИЯ»
22.00 Жаҳон киноси: «**ХАЁТ ЛАЗЗАТИ**».



7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Т/с
9.05 «Телекуррьер – маркет».
9.35 «Афиша»
9.45 «Интервью»
9.55 «Биласизми?»
10.00 Кино: «Аловуддиннинг сехри чироғи»
11.20 «Анонс»
11.25 «Шунақа гаплар»
11.40 «Истыдод»
11.55 «Музыка SMS»
12.25 «Милагрос». Т/с
13.00 «Мысли вслух»
13.05 Кино: «Превращаясь в Джейн»
15.00 «Телекуррьер-маркет»
15.20 Мультифильм: «Долматинец»
16.45 «Жозибат»
17.10 «Саргузаштлар ороли»
17.35 Кино: «Нафратми ё муҳаббат»
19.25 «Телекуррьер – маркет»
19.50 «Мулоҳаза учун маззу»
20.20 «КИНОТАҚДИМ»
20.45 «Туризм ҳақида»
21.15 «Мысли вслух»
21.25 – 23.35 Кино SMS со звездами: «Контракт».



8.00 «Хабарлар»
8.20 «Қувнок стартлар»
9.00 «Бодрое утро»
10.00 «Хабарлар»
10.20 «Ракибингиз гросмейстер».

10.35 «Пока все дома».
11.25 «Фазенда».
12.00 «Юрмала – 2007»
13.00 ПроФРИНГ.
14.00-16.00 Футбол. «Пахтакор» - «Курувчи».

18.00 «Версия»
18.25 Еврופутбол. «Мидлсбро» - «Арсенал»
20.25 «Спорт уик-энд»
21.05 «Тайм-аут»
21.30 «Талкин».
22.00 «**Ледниковый период**».



07.00 Ўзбек наволари
08.00 «Сунмас орзулар»
08.45 Ўзбек наволари
09.00 «Шанба окшомида»
09.20 «Дневник МТВА-2007»
09.30 «Бэби хитс»
10.20 «Беш панжа» (узб)
10.40 Мультифильм
11.10 Ўзбек наволари
11.30 «Дворецкий Боб» худ.-фильм
13.15 Ўзбек наволари
13.30 «Дневник МТВА-2007»
13.40 Ўзбек наволари
14.00 «Премьера» (рус)
14.35 Сериал «Жассига ухшаш йук» 21-25 сериялар (такрор)
17.00 Ўзбек наволари
17.30 «Топ-20»
18.10 Ўзбек наволари
19.30 Сериал «ПАРИЖДАГИ МУХАББАТ» 12-серия
20.40 Ўзбек наволари
21.00 Концерт
22.30 «ВСПОМНИТЬ ВСЕ» худ.-фильм
00.45 Миксер



6.00 Новости
6.10 «Гении и злодеи»
6.35 Михаил Ульянов, Елена Майорова в фильме Владимира Наумова «Закон»
9.10 «Умницы и умники»
10.00 Новости
10.15 «Непутевые заметки»
10.35 «Пока все дома»
11.25 «Фазенда»
12.00 Новости (с субтитрами)
12.10 «Два заветных слова. Михаил Евдокимов»
13.45 Гоша Куценко в бовике «Антикиллер - 2»
17.20 «Большие гонки»
18.30 «Минута славы». Суперфинал
21.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
21.50 «Фабрика звезд». Финал
23.50 Брюс Ли, Стивен Сигал, Том Круз в фильме «Искусство боя»
1.35 Приключенческий фильм «Враг мой»
3.10 «Наедине со страхом». Документальный фильм
4.00 «Пока все дома»



6.00 Георгий Бурков, Людмила Чурсина и Тамара Семина в детективе «Убийство свидетеля» 1990г.
7.30 «Сельский час».
8.00 ВЕСТИ.
8.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
8.20 «Диалоги о животных».
8.55 «Вся Россия».
9.05 «Комната смеха».
10.05 «Сам себе режиссер».
11.00 ВЕСТИ.
11.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
11.50 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
12.20 «Сто к одному». Телеигра.
13.15 «Звездная любовь Виталия Соломина».
14.00 ВЕСТИ.
14.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
14.30 «Фитиль № 158». Сатирический журнал.
15.15 ВЕСТИ. ДЕКУРНАЯ ЧАСТЬ.
15.50 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
16.20 Лариса Долина, Александр Буйнов, Олег Газманов и многие другие в концерте, посвященном Дню образования службы вневедомственной охраны МВД России.
18.00 Юлия Рутберг, Игорь Верник и Глафира Тарханова в фильме «Женская дружба». 2007г.
20.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ
21.00 «Специальный корреспондент».
21.30 Х/ф «Любимый по найму».
23.35 Арнольд Шварценеггер в боевике «Стиратель» (США).
1.50 «Большая гонка» (Франция).
3.45 «Горячая десятка».



Дада, менга ҳам сотка олиб беринг, синфимиздаги кўп болаларнинг соткаси бор



**ШЕЪРИЯТ
ДАФТАРИДАН**

Кўксингизга ишқдан тумор таққан эдим,
Кўзингизга олов бўлиб боққан эдим,
Кўнглингизда гур-гур ўтлар ёққан эдим,
Биз ёққан ул ўтлар бугун кул бўлдимми?

Гулларингиз хазон бўлди, бўзладингиз,
Қайси гулнинг пойлариди тизладингиз?
Гулзор кезиб қандоқ гулни изладингиз?
Ўзга гуллар Гулжамолдай гул бўлдимми?
Гулжамолдай гулистон ҳам чўл бўлдимми?

Юрагимнинг, эй қадрдон бегонаси.

МУНОЖОТ

Қулаб тушмас том учун шукр,
Кундуз учун, шом учун шукр,
Бир кун тўлар жом учун шукр,
Танграм, кечир, гуноҳларим бор.

Яшнармиди меҳринг бўлмаса,
Сир топмасдим сеҳринг бўлмаса,
Қул урмадим муҳринг бўлмаса,
Парилардан гувоҳларим бор.

Айтдинг: "Сувдек пойимда оққил,
Олов бўлиб сувларни ёққил",
Кўзим, кўнглим, руҳимга боққил,
Сендан ҳар дам оғоҳларим бор.

Нажот борми исминг айтмасам,
Сендан келиб, сенга қайтмасам,
Қасам, қасам ўзинга қасам,
Сенга айтар дил оҳларим бор.

Ҳар қадамда хатолар қилдим,
Сен шунда ҳам атолар қилдинг,
Ҳар тонг, ҳар тун англадим, билдинг,
Тушиб чиқар жар-чоҳларим бор.

Ўшал сирли дунёда кўрсат,
Ошиқман-ку, зияни кўрсат,
Менга Тури Синони кўрсат,
Асо, жанда, кулоҳларим бор.

Не наф мудом алам чекмоқдин,
Дил синдириб, дарахт эймоқдин,
Бир зум тинмам сени севмоқдин,
Кўксимда ишқ булоқларим бор.

Танграм, кечир, гуноҳларим бор.

Дўстим кетди, қайтиб келар деб,
Умидимдан изладим паноҳ,
Аллақачон ёдимдан чиқди,
Уни мендан ҳайдаган гуноҳ.

Дўстим кетди. Мен ғамгин бўлдим,
Кўп йиғладим, овуңдим бироз.
Ва ўзимча пичирлаб дедим:
"У кетмади, у ўлди холос".

ИЛТИЖО

"Неча йиллар ўтиб ҳам борсак уйда
Бизни онам кутиб олармикан?"

Опамнинг саволи

Майли, майли уйимизнинг ғариблиги,
Гох ботартиб, гохда бетартиблиги,
Яралдикки дунё дунё арибдимми?
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Мустаргинам кўзлариди ёши қалқиб,
Бошларида турса рўмоллари салқиб,
Бу қоронғу умрим оро нурдек балқиб,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Оёқларин меҳнат юки оғритмаса,
Қаримаса, бундан бошқа қаримаса,
Шу жонига ғаму дардлар доримаса,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Ёдлаб етти ёт, акрабо, ҳешларини,
Бошларидан отиб дунё ишларини,
Отам билан кутиб ёзу қишларини,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Бу дунёсин иши билан ишим йўқдир,
Тишлашайин десам синмас тишим йўқдир,
Куйсам онамдайин куяр кишим йўқдир,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Биродарлар, билмайсиз бу шундай ғамки,
Ва шундайин кўнгли қувнар бир байрамки,
Қишлоғимга минг йил ўтиб борсам ҳамки,
Мени уйда онам кутиб турса бўлди.

Гулжамол АСКАРОВА

РАШК КАСАЛИ

Кўнғироклар қилмай кўйдим,
Менсизликка ўрган дедим.
Ахир кунлар ботиши бор,
Кунсизликка ўрган дедим.

Ўз рашқимдан ўзим тўйдим,
Ҳар не кўрсам сенга йўйдим,
Кўзларимни силаб кўйдим,
Кўзларингни кўрган дедим.

Нима қилай, ёниб турсам,
Рашк касалиман, энди билсам,
Ёнингда бир қизни кўрсам,
Шу қиз билан юрган дедим.

Ғийбатчилар гап қилдилар,
Пок номимни чап қилдилар,
Мийиғида кулиб секин,
"Ким у менга хурган" дедим.

Кўзга сурма суриб юрма,
Ҳар нарсани кўриб юрма,
Ишқ йўқни уриб юрма,
Ўзи Худо урган дедим.

Нима қилай ёмон севсам,
Юз ўгириб юзин кўрсам,
Мендан юзин ўтургани,
Менга юзин бурган дедим.

Эй ишқдан ҳеч саводи йўқ,
Савол берсам жавоби йўқ,
Сени ҳеч кимга бермайман,
Сени Худо берган дедим.

БАХТ ДАСТАСИ

Умидландим, кўп умидландим:
Манглайда бахт дастати бордир.
Сендан айрилдим-ку бунда ҳам,
Худойимнинг ҳикмати бордир.

Топганим ҳам беҳизга эмас,
Ҳикмат туйдим йўқотганим дам.
Мен сендан ўзимни топибман,
Эй ўзини топмаган одам.

Сени топиб, топдим ўзимни,
Гарчи бағрим, юрагим яро.
Ахир умрим йиғлатибди,
Йўқотишлар-топишлар аро.

Бир ҳикматни англадим, етдим,
Беҳизга ҳеч қирмамиш тикан.
Топганим бу - йўқотганимдир,
Йўқотганим топганим экан.

"Дийдор энди қиёматтами?"
Дилга шундай қайгулар келди.
Топганимда йиғлайман маънос,
Жилмаяман йўқотсам энди.

Қаҳратондай жон-жонимдан ўтдингиз-ку,
Баҳор эдим бошгинамга етдингиз-ку,
Секин-секин кўнглим узиб кетдингиз-ку,
Мендан кетмоқликка бирор йўл бўлдимми?

Юрагимнинг, эй қадрдон бегонаси,
Кўзларима кўзларингиз девонаси,
Сочларимнинг шамолида уйғонасиз,
Сочим қўмсаб қипригингиз ҳўл бўлдимми?

Тунларимни ёритмаган ёруғ шамим,
Кўнглингизда кўларингиз зарра ғамим.
Беқасамдан тўнлар кийган беқасамим,
Унг деб юрган йўлларимиз сўл бўлдимми?



НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

СПОРТ ВА СОҒЛИК

Инсон ҳаракат қилганида унинг мушакларига кўпроқ энергия, демакки, кучли қон оқими зарур бўлади. Натижада юрак одатдагидан тезроқ ура бошлайди. Бу эса юрак мушаклари ва қон томирларини мустаҳкамлайди. Жисмоний машқлар пайтида одам тез-тез нафас олгани боис у кўпроқ ҳаво ютади. Бу эса ўпкаларимизни ривожлантиради ва чиқиртиради. Спорт асаб тизимига ҳам фойдали таъсир кўрсатади. У мушаклар фаолиятини яхшироқ мувофиқлаштира бошлайди.

ДАМ ОЛИШНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА

Инсон ҳаётининг каттагина қисмини меҳнатга бағишлайди. Бу бежиз эмас, чунки инсон танаси ва ақлий қобилияти фаол турмуш кечиришни тақозо этади. Аммо меҳнат кўп куч талаб этади. Доимий куч ишлатилиши эса тананинг чарчашига сабаб бўлади. Қолаверса, ҳар доим бир хил ишни бажариш одамни зериктириши ҳам мумкин. Шу боис инсонлар вақти-вақти билан бўш вақт ажратиш даму олиши, ўзига ёқадиган ва қизиқарли машғуллар билан шуғулланиб танасига ҳордиқ бериши жуда зарур. Дам олиш ва кўнгли ёзиш танани асабий зўриқишлардан ҳалос этади, кайфиятни яхши-



лайди. Одатда, ҳар бир шаҳарда одамлар дам олиши учун мўлжалланган махсус жойлар - истироҳат боғлари, чўмилиш ҳавзалари, суний кўллар, хиёбонлар мавжуд бўлади. Бундан ташқари, театрларга, концертларга, кинога, турли спорт мусобақаларига тушиб ҳам дам олиш мумкин.

Баъзилар дам олиш кунларида табиат кўйига чиқишни, бошқалар балиқ овиға боришни, яна кимдир томорқада жисмоний меҳнат қилишни ҳуш кўради.

ЛЮСИ КИМ?

Олимлар инсониятнинг қадимги манзилларидан бирида олиб борилган қазилма ишлари пайтида топилган австралопитек одам скелетига Люси деб ном беришган. Қадимги инсонлар суякларини қолдиқларини палеонтологлар ва археологлар ўрганишади. Уларнинг тадқиқотлари натижалари билан танишиб, дастлабки инсонлар қандай кун кечиргани, одамнинг шаклланиш тарихи ҳақида маълум тасавурларга эга бўлиш мумкин.

Люси бундан уч ярим миллион йил аввал ҳозирги Африка ҳудудида яшаган. У қайсидир жиҳатлари билан кўпроқ маймунни эслатади, аммо маймунлардан фарқли равишда гавдасини тик тутиб икки оёқда юра олган. Унинг бўйи 130 сантиметр, вази эса атиги 27 килограмм бўлиб, 25 ёшида вафот этган.

ИЛК ОДАМЛАРНИНГ ИШ ҚУРОЛЛАРИ

Қадимги одамлар ўзлари учун иш қуролларини тошдан ясаган. Шунингдек, улар ҳайвонларнинг йирик суякларини ва дарахтлардан ҳам айрим асбобларни ясаганлар. Олимларнинг таҳминларига кўра, илк тош меҳнат қуроллари бундан тахминан икки миллион йиллар аввал Африкада



яшаган одамлар томонидан ясалган. Уларга мутахассислар "Homo habilis", яъни "моҳир одам" деб ном беришган. Илк тош қуролларидан овланган ҳайвонлар терисини шилишда ва гўштини нимталашда, турли ўсимликларнинг илдизини ва ер остидаги меваларини қавлаб олишда фойдаланганлар. Шунингдек, ўтхўр ҳайвонларнинг жағи арра, майда суякларни эса битгиз ва игна сифатида ишлатилган.

ИЛК ИНСОНЛАР ҲАЁТИДА ОВНИНГ ЎРНИ

Қадимги инсонларнинг каттагина қисми асосан дарахтларнинг ва ўсимликларнинг ёввойи мева ҳамда илдизларини еб кун кечиришган. Лекин уларнинг бир тоифаси вақтлар ўтиши билан ҳайвонлар ва балиқ овлашни ўрганиб олади. Ов уларга нафақат гўшт шаклидаги озуқа келтирган, балки ўлдирилган ҳайвонларнинг терисидан кийим-бош, тўшак ўрнида фойдаланилган, суяклари ва тишлари эса иш қуроллари, тақинчоқлар ясашда асқотган.

Илк инсонлар мамонтларни, бизонларни, ёввойи отларни, кийикларни овлашган. Бу ҳайвонлар йилнинг турли фаслларида озуқа ва сув излаб ёки совуқдан қочиб кўчиб юришган. Натижада одамлар ҳам уларнинг ортидан юриб, бир жойдан иккинчисига кўчиб ўтишни одат қилишган. Бундай қабилалар фанда кўчманчилар деб аталади. Инсоният тарихининг икки миллион йиллар аввалги тарихи жуда кам ўрганилган. То эрамыздан 10 минг йил олдингача, яъни деҳқончилик пайдо бўлгунгача бўлган давр палеолит, ёки тош асри деб номланади.

ОЛОВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Олимларнинг таҳмин қилишларича, бундан қарийб ярим миллион йиллар аввал инсон олов ёқишни ўрганиб олган. Бунгача эса улар чакмоқ чақиши натижасида ўрмонда чиққан ёнгиндан фойдаланиб оловни сақлаб турганлар, холос. Гулхан ўчиб қолса, одамлар уни қайта ёқишни билмаганлар.

Вақтлар ўтиши билан одамлар иккита қуруқ ёғочни узок вақт бир-бирига ишқалаб туриб ёки иккита тошни бир-



бирига уриб олов ҳосил қилиш ҳамда қуруқ барглар ва ҳазонларни ёқиш мумкинлигини кашф этганлар.

ДАРМОН тайёрлади.

XIV. САБР ҚИЛСАНГ ЕТАРСАН МУРОДГА

(Охири. Боши ўтган сонларда) "Индин" деганда у Ўткирбек билан аҳдлашган учрашувга бормади. Қорнидаги ҳомиласи, Раъно воқеаси унинг кўзини очди. "Аллоҳнинг ўзи мени шармандаликдан, бузулиб кетишдан асради, дея Худога ҳамду санолар ўқиди. Унга шукроналар билдирди. Аммо боши қоронғулигини ҳозирча эрига айтмади. У эридан ноўрин кўнгли совуганлигидан, сал бўлмаса чакки қадам босиши мумкинлигидан виждонан қийналиб, ўзини-ўзи еб юрди. Аёл киши айрим сабабларга кўра бир - ҳомиладор бўлгунча, бир - ҳомиладор бўлгандан кейин, яна бир - бўялгач, ўзгаради, деган кексаларнинг гапи тўри эканми, у ҳам ҳайтовур тез-тез ўзгариб турарди. Мана у, ҳозир ҳам ҳомилали бўлгач ҳамда

эри бунга изн бермади. "Барибир, қиз бўлади", - деди Салоҳ, - ўзинини руҳан шунга тайёрлаб боравер. Айтдим-ку, нечта қизимиз бўлса, ўрни бошқа. Келажаги бошқа. Бахти бошқа. Баъзилар бор - фарзандга зор. Бизнинг эса ҳозир тўртта, беш ойдан кейин бешта бўладиган қиз фарзандларимиз бор. Аллоҳга шукр", - деди. Мастураой яна Раъно қисматини ўйлаб қолди. Эрининг гапларини бус-бутун тўғри, деб топди. Руҳи кўтарилди. Ич-ичидан хурсанд бўлиб, гинеколог қабулига бориш фикридан қайтди... Кунларнинг бирида Салоҳ фикрини қувватлаб олиш учун бир психолог дўстидан ҳомила жинсини у туғилмасдан туриб билиши она руҳиятига қандай таъсир кўрсатишини сўради. У: "Бундоқ ўйлаб қараганда ҳомиланинг у туғилмасдан туриб жинсини аниқлаш нафақат пси-

она учун ҳомиланинг қиз ёки ўғил бўлиши фарқи йўқ ҳолатларда бунга билса, унинг йўриги бошқа..." деган жавобни қилди. Салоҳ наздида ўзининг қарашини тасдиқланди. Ойлар кетидан ойлар қувиб, ниҳоят Мастураойнинг кўзи ёрийдиган кун етиб келди. Уни дард тутаркан, Салоҳ тўнғич қизи билан бирга "Тикко"сини гараждан олиб чиқди. Уйда қолаётган қизларидан бири: "Қаёққа кетаяпсизлар?" - деб сўраб қолди. Кайфияти чоғ Салоҳ уларга қарата: "Сизларга яна битта оппоқина, сизлардай чиройли қизалоқ олиб келгани кетаяпмиз", - дея қолди. Шундан кейингина онасининг аҳолидан хавотирга тушган қизчаларнинг юзига ҳам табассум югурди. Мастураой инқиллаб-синқиллаб машинага ўтирди. Салоҳ ва барча қизлар унинг атрофида гирдиқапалак бўлишди. Мастураой турмушда ётаркан, кечга бориб унинг

Мастураойни қутлаб синфдоши Жаннатхон кўнгирак қилиб қолди: - Мастураой, бу сизмисиз? Мастураой жавоб қилди: - Ҳа, менман. - Вой, ўргилай, ўғилча муборак бўлсин! Қанақа? Яхши усаптаими? - Худога шукр. Яхши, яхши... - Эшитмагандирсиз? Мен унинг ҳақида гапириб берган Раъно роса хурсанд. Бўйида бўлибди. Эри - Содикжон бироз давланган экан. - Ана, холос... Эр-хотинларни ҳам, уларнинг турмушларини ҳам билиб бўлмас экан. Илоё, омон-эсон кутилиб олсин. Кўргангизда менинг номимдан ҳам уни табриқлаб қўйинг! Унинг севиңчларига мен ҳам шерикман! Келинлар бизникига. - Худо хоҳласа, тўйларингизда борамиз. Ҳозирча хайр. - Хайр, дугонажон, хайр. Раҳмат. Турмушда оилавий мождарлар баъзан кўнгилисиз яқун топса-да, аксарият бунинг давоси вақт, деганларидек, орадан бир қанча кун, ой, йиллар ўтиши билан гина-қудуратлар унутилиб, асаблар ҳовуридан тушиб, янгитдан уйғонган илиқлик, муҳаббат, эҳтирос таъсирида, бир вақт келадики, қалбларда жуфтликка хоҳиш-ирода пайдо бўлади. Яраш-яраш туйғуларини голиб келади. Қарабсизки, эр-хотинлар яна бир тан, бир жон бўлиб, барқарор ҳаёт кечириб кетадилар. Ҳаётда бунга мисоллар талайгина.

ЭР-ХОТИНЛАР

Раъно воқеаси таъсирида қизларига бўлган муносабати бутунлай ўзгарди. Уларга меҳр-муҳаббати янада ортди. Қизлари кўчадан ўз вақтида келиб кўзига кўринмасалар, хавотирга тушадиган бўлиб қолди. Одамзод бирор кимса учун хавотирланса, бу - ўша одамга қалби тўридан жой бериб қўйганлигининг нишонаси эканини Мастураой тушунди. Эрига нисбатан ҳам юрагида илиқлик пайдо бўлди. Кундузлари эри ишдан келиши билан унга кўрпачалар солиб лўла-болишларни ён бошига қўйса, кечалари унга хушомад қилиб, суйкаладиган бўлиб қолди. Бироқ бўйида бўлганини ҳамон эрига айтмади. Лекин начора, аёллар ўзининг боши қоронғулигини одамлардан қанчалик яширмасинлар, уларда бўладиган ҳомилаларнинг токсикози бунга ошқор қилиб қўяди. Мастураойнинг ушбу "сир"ини ҳам шу токсикоз дарди эрига аён қилиб қўйди. "Ия, - деди эри, бир кунни ўчоқ бошида ўхчиётган хотинини кўриб. «- Муборак бўлсин, яна бир қизча!» - ҳазил қилди у хотинига. Иккаласи кулишди. Иккаласи кулишди, демек, яраш-яраш бўлибди. Салоҳ хотинини бағрига босиб ўпар экан, ақли кириб, - «Жоним, қиз ҳам фарзанд. Улар нечта бўлишидан қатъи назар», - дея тўшакдошини эркалаб қўйди. Мастураой эса ийиб кетиб, эрининг бўйинига қўл солди: - "Сиз адаси соғ бўлинг. Дард кўрманг. Қизларимизнинг ҳар қайсисига биттадан гаринтурнинг ҳаракатини қилиб, бардам-бақувват юраверинг", - деди мамнуният билан. Кўзларига ёш келди. Салоҳ эриб кетди-да, хотинини ўзига ўнглаб олиб унинг ёноқларидаги ёш томчиларини бармоқлари билан артиб қўйди... Салоҳ шу кундан бошлаб кўчадан оёғини тортиди. Аёллардан кўзини узди. Бутун фикри-зикрини уйига, оиласига, хотинига қаратди. "Айтмоқчи, - деди у бир кунни ўзига ўзи, - мен энди қизларимнинг бахти-тахтини ўйлашним керак экан - ўйлаганим бўлсин". Шу бўлди-ю, Салоҳ ҳам, Мастураой ҳам ақл-хушини йиғиб олишди, инсофга киришди. Орадан ойлар ўтди. Эр-хотиннинг турмуши ўз изига тушиб кетди. Мастураойнинг ҳомиласи тўрт ойлик бўлганида у гинекологга бориб, қорнидаги боласи қизми-ўғилми эканини аниқлаб беришларини сўрамоқчи бўлди. Лекин



ТОИФАСИ

хология балки тиббиёт нуқтаи назардан ҳам номақбулдир. Чунки масалан, орзиқиб ўғил кутаётганда ҳомиланинг қиз бўлиб қиқшиши албатта уларнинг ҳафсаласини пир қилади. Ҳатто, айримларнинг ниятларини пучга чиқаради. Аёлнинг ўзини эса ҳомиладорлик бахтидан мосуво қилади. Унинг балки юраги бўм-бўш бўлиб қолар. Қарабсизки, ҳомиладор аёлнинг кўнгли қорнидаги "кераксиз" ҳомиласидан ўксина бошлайди. Нима деб ўйлайсиз? Булар йиғилиб, жамулжам бўлиб аёлнинг соғлиғига путур етказмайдими? Етказди, албатта. Айниқса, аёлнинг юраги шундоқ ҳам носоғ бўлса, бунинг оқибати хатарли тус олиши муқаррар. Иккинчи томондан бу кўнгли ноҳушлиги, ўз навбатида, ҳомила ривожига салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, ҳомиланинг ўсиши, етилиши, камол топиши нормал кечмай қолади. Вазиятнинг нозиклиги жиҳатидан қаралганда она қорнидаги ҳомиланинг жинсини билиш кўп ҳолларда зарарлидир. Ота-

кўзи ёриди. Мастураойни "Қиз туғар", деб таниб қолган доя хотинлар онаизорга: "Ниҳоят буниси кўчқордай ўғил бўлди", дейишди, қулишди, хурсанд бўлишди. Мастураой эса қарахт ҳолатга тушиб қолганди... Унинг барча қувонч-шодликлари, мен сизга айтсам, чакалогини биринчи марта ўзи бафуржа йўрғалаётганда бошланди... Бешика белаб, ўғилчасининг "булбул"ни сумакка солаётганда эса бутунлай тўлқинлиб қувониб кетди... Салоҳнинг севиңчини таърифлашга сўз йўқ. "Сабр қилсанг етарсан муродга", - дерди ўзига-ўзи тақор ва тақор. Қизларнинг эса қопқора кўзлари чакнаб, оқпар юзлари яшнаб кетди. Ниҳоят ич-ичларидан ўзларича ўксиниб юрган қизчалар ўғил укажонга опа бўлишди, опа! Энди кўчадаги дугоналаридан орланадиган жойлари йўқ! Укажон уйларига келганида эса уни ер-қўкка ишонишмади. Шу кунни улар уйда булардан ортиқ бахтли одам йўқ эди. Билмадим, орадан қанча кун ўтди,

Мастураой Ўткирбек билан учрашувга чиқмаган кунни нима бўлдию, Ўткирбекнинг кўнгли ўқсиб, қалби юмшаб кетди. Шу ёшида у арзимаган сабаб, арзимас аччиқараз билан хотинидан ажраб, қаёқдаги бегона аёлни қоронғида хор бўлиб, бир соат кутганлиги унга жуда ёмон таъсир қилди. Иззат-нафси оғриди. Эркалик ҳамияти азият чекди. Сазойи бўлганини тушунди. Алам қилди. «Нима бўлганда ҳам Гулихон ўзимнинг кўз очиб кўрган тан маҳрамин эди-ку. Уч паҳлавон ўғлимнинг онаси эди-ку!» дея ўйларкан, дафъатан машинасини улар томонга гизиллатиб кетди. Уйга етганида машинасидан тушиб-да, тез-тез одимлаб келиб, эшик олдида тўхтади ва ҳеч нарсани ўйламай бир пайтлар ўз қўли билан ўрнатган кўнгирак тугмасини босди. Ичкаридан овози баланд қилиб қўйилган Фахриддин Умаровнинг "Қайдасан?" кўшиги эшитилиб турарди. Ўткирбекнинг юраги бешбаттар тўлқинланиб кетди, ҳўрлиқ келди. Шу дам эшикни 8 яшар кенжаси очди ва: "Адажон, қайдасиз?" - деб отасининг кучоғига отилди. Ота милтираган ёшларини бу ўғлидан ҳам, ичкари кирганда бошқа ўғилларидан ҳам, райхон олдида қадалиб қолган хотинидан ҳам яшира олмади. Ўзи ҳар доим ўтирадиган ҳовлисидаги курсисига келиб ўтираркан, қўллари билан юзини тўсиб, хўнграб йиғлаб юборди. Гулихон орқасидан келиб эрининг бошини кўтариб бағрига босди. У ҳам йиғлади. Ўткирбек даст ўрнидан турди-да, хотинини кучоғига олди. Ўғилларининг кўзи олдида ҳеч қачон ўпишга журъат этмаган Ўткирбек шу топда хотинининг шўртанг юзларидан ўлиб, унинг кўз ёшларига юзларини суртди. Уч ўғил ота-онасига хайрихоҳ кўзлари билан тик қараб қолишди... Баъзи ҳолларда одам одамни эгри йўлга бошласа, кўп ҳолларда одам одамни тўғри йўлга солади, деганлари рост экан...

Яқинда маҳалладаги ёш оилалардан бирида эр-хотиннинг ўзаро можаросидан воқиф бўлиб қолдим. Улар шаҳарда, ота-оналари эса қишлоқда яшар эдилар. Можаро ота-оналарни биргаликда йўқлаш устида чиққан экан. Келин қайнонасини унчалик ёқтирмаганидан эри билан қишлоққа бирга боришни хохламасди, эр эса уни мажбурият олиб бормоқчи бўлаётганди.

Шу воқеа тўғрисида бир дўстимнинг бундан ўн йиллар аввал хонадонидан қайнона (ўз онаси) ва келин (хотини) ўртасидаги нотекис муносабатни текислаш юзасидан туган ўринли "йўли" эсимга тушиб кетди...

Анвар билан Зебо севишиб турмуш курган эдилар. Эр-хотин бир-бирига жуда муносиб. Иккаласи ҳам олийгоҳни би-

дан ўзига (аслида хотинига ҳам) ихтисослари бўйича иш излай бошлади. Укалари ва сингиллари олдида онасига шаҳарга ишга кетаётганлигини туншунтирди. Гап орасида онаси руҳсат берса Зебони ҳам шаҳарга олиб кетиши кераклигини таъкидлади.

Авалгига индамай ўтирган Рисолат ая бирдан қизишиб кетди: - Келинпошша ҳовлида қаттиқ ишлаб, чарчаб қолаяпти экан-да... раҳмингиз кепти-да... энди оп-қочиб кетмоқчисиз... Шундайми?

Анвар индамади. Она яна аччиқ таъналарини ота бошлади: - Хотин шунақа ширин бўларканми? Ҳозирдан авайлаяписиз... Бу ахволда елкага кўндириб олиб, умр бўйи кўтариб юрасиз чамаси...

Рисолат аянинг бу гаплари нафақат Анварга, балки бошқа

кўчишаётганда қайнонаси қилган ўжарликнинг, айниқса:

- Ойимтилла, мана мақсадингизга етаяписиз, "дом"да ҳар куни тушликкача наҳс босиб ухлайверасиз. Мушугингизни пишт дейдиган одам бўлмайди, - деб айтган таънаси юракка тошдек ўрнашиб қолган эди.

Ҳаёт шу зайдда ўтаверди. Анварнинг ука-сингиллари (кенжатай Наргизадан ташқари) тобора акасида қалбан, руҳан йироқлашиб борарди. Рисолат аяда ҳам кек бор эди. Ўғли келганида аввалгидек самимий муроада қилмасди. Буни Анвар юракдан ҳис этар, сиқларди. Аммо Зебога айтмас эди. Айтса, дил яраларини тирнаш бўларди, деб ўйларди.

Анвар билан Зебонинг шаҳарга кўчиб кетиши қудалар ўртасидаги муносабатга ҳам совуқ-

ларга ҳам керакмас...

Анвар Зебони шундай деб эҳкавлар экан, муносабатлар ҳали зўр бўлиб кетишига яна ургу бериб ўтди. Қариндошлар ўртасидаги муносабатни юмшатиш, самимийликни тиклаш Анварнинг бирдан-бир мақсади эди. У бунга тезроқ эришишни истарди. Аммо ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бўларкан. Бунгача...

Орадан икки йил ўтди. Анвар ва Зебонинг турмуши яхши, севишган қалблар бир-бирларига ҳануз интиқ яшарди. Анвар оиланинг тўнғичи бўлганидан қишлоқдаги онаси ва укаларини тез соғинар, улардан хабар олишга талпиниб турарди. Бир-икки марта қишлоққа отланганида Зебони бирга боришга таклиф қилди. Зебо бирор юмушни ёки сиҳатини ба-

қақиб олмайман. Биздан салом айтиб қўй, - деб илтифот кўрсатиб қолди.

Анвар қишлоқдан хурсанд қайтди. Онасининг саломини хотинига етказди. Зебо эса нописандлик билан кулиб қўйди, холос. Бу кулгу эрга бошқача таъсир қилди, дилига гашлик чўқди. Аммо индамади.

Бир куни ишдан қайтганида Зебо ота-онаси шанба кунда маросим ўтказаятганини айтиб, "бирга борамиз-а?" - деди. Анвар эса: "Шанба келаверсин, бир гап бўлар", деб жавоб қилди. Зебонинг қайнонасига нисбатан кеки қайтмаётгани, бирга бормаслиги Анварнинг нафосиятига тега бошлаган эди. Шу боис у ҳам қайнона-қайнонаси хузурига қатновни камайтирган эди. Пайшанба куни бир дўстига айтиб, уйига қўнғирок қилдириди:

- Алло, бу Анваржонларнинг уйими? Мен ҳақ таълими бўлишдан Авазбекман. Анваржонга шанба куни соат ўнда йиғилиш борлигини айтиб қўлинг...

Бу шанба куни қишлоққа хотини билан бирга бормасликнинг баҳонаси эди. Уйда бу хабарни эшитганда: "Оббо, чатоқ бўпти-ку", деб елка қисиб қўйди. Анвар учун "бирга бормайман" деб хотинининг кўнглини гаш қилишдан кўра юқоридagi баҳона ўринли кўринди.

Шанба куни эрталабда Зебонинг кўлига совгаларни тутқазиб жўнатиб, ўзи шаҳарда қолди. Зебо яқиндан кечки пайт қайтди. Анвар уни уйда қаршилар экан:

- Яхши бориб келдингизми? Маросимни ўтказиб олдингларми? - деб ҳол-аҳвол сўради.

Зебонинг шашти паст эди. У кўлидаги тугунни қўйиб, уст-бошларини алмаштириб чиқди-да, Анварнинг рўпарасига ўтириб, деди:

- Дадам: "Келгуси сафар куёв бирга келмаса, сен ҳам келма", деди. Борганингизда шу гаплар йўқ эди. "Сен куёвни хафа қилгансан", деб гўмон қилаётдилар?

- Нимага гўмон қиладилар? Ахир мен сизни яхши кўрсам...

- Яхши кўрганингизда борардингиз...

Бир куни Анвар кўчадан уйга телефон қилиб, қишлоққа бориб келишини айтиди. Зебо бирданга: "Уйга келинг, бирга борамиз", деб қолди. Анвар бир қалқиб кетди: у бу гапни нақд икки йил кутганди. Бирок ҳозир хўп дея олмасди. Шунинг учун: "Вақтим зик, ёнимда ўртоқларим бор", деб қўя қолди. Дўстлар чойхонада ош қилишаётган эди, дам олиб, шошилла уйга борди.

Унга пешвоз чиққан хотини: - Аям, укаларим тинч эканларми, бирдан жўнаб қолдингиз? - деб ҳол-аҳвол сўради.

- Аям салом айтиб юборди, - деб қўйди Анвар ёлғондан. Бу оилда ширин муносабатлар шакллана бошлаганидан далolat эди.

Кўрдингизми, ақли расо кишилар, чин севишганлар оғир муаммони ҳам бир-бирларини авайлаб, қўнғилларига гашлик солмай ҳал этдилар. Анварнинг тугуни бунинг исботидир. Тўғри эмасми?

Муҳаммад НОР,
Андижон шаҳри.

Кўнглини авайлаган САБОҚ

тирган, ўқувчи эдилар. Туман марказида яшайдиган Анвар Зебони кўшни туманинг чекка қишлоғидан тушириб келган эди. Тўйдан кейинги ойларида Зебо ўз қишлоғидаги мактабга ишга қатнай бошлади. Шу боис, ишдан кўпинча кеч қайтарди. Ҳар куни қарийб икки-уч соат вақти йўлда зое кетарди. Ишни ўзгартириш учун эр-хотин ўқув йили туғашини кутаётган эдилар.

Афсуски, бу ҳолат Анварнинг онаси - қайнонасига ёқмади. Рисолат ая келиннинг ҳовлида гирдиқалпак бўлиб хизмат қилишини, қайнонанинг иззатини жойига қўйишни хоҳларди. Зебонинг кечки пайт тайёр овқатга келиши, идиш-товоқни чала ювиб, конспект ёзишга кириб кетиши қайнонанинг энасини қотирар эди.

- Ҳой келин, нима бало, ҳар куни ёзаверасиз?! Кундузи фойдангиз тегмаганича яраша, оқшомда уй юмушларини охирилатиб қўйинг...

Қайнонанинг бундай даққилари Зебонинг дилини гашларди. Баъзан қайнонанинг "оғзини очирмас"ликка уриниб, қаерда йўқ ишларни бажарар, эртанги дарсларга тайёргарлик қолиб кетарди. Буни қалбига сингдирилмас, конспектсиз дарс ўтса, худди ўқувчиларни алдаётгандек бўларди.

Анвар онасининг инжиқлиги ва келинга нисбатан ўта талабчан чиққанлигини яхши билганидан Зебони доим юпатиб, сабр-бардош тилаб келарди. Аслида ўзига ҳам қийин эди: бири - она, иккинчиси - севиқли ёр, иккаласи ҳам керакли, ҳеч бирини ранжитишни хоҳламасди. Она арз қилса ҳам, хотини тумтайиб қолса ҳам, ҳар бири алоҳида ёндошиб, бу ҳолат вақтинча эканлиги, кейин муносабат яхши бўлиб кетишини ётиги билан, мулоим туншунтирарди. Ҳар ҳолда иккала меҳрибоннинг ҳам кўнглини олишга ҳаракат қиларди.

Шу орада ўқув йили туғаб, ёзги таътил бошланди. Зебо эрга бўлган оташин муҳаббатни тўғайли келинлик юмушларини тўла бажаришга киришди. Бундан қайнонаси ҳам бироз таскин толгандек бўлди. Анвар эса қайнона-келин муносабатлари яна кескинлашмаслиги учун таътидан фойдаланишга азм қилди: шаҳар-

фарзандларига ҳам малол келди. Шу боис улар бирин-кетин ўринларидан туриб чиқиб кетишди. Анварнинг кенжа синглиси Наргиза эса нима қиларини билмай, айвонда чорпожда хомуш ўтирган Зебонинг пижига бориб тиқилди. Бу дастлабки кундан яхши кўрган келин аясига бераётган руҳий мадади эди. Зебо ҳам Наргизани қаттиқ кучиб олди.

Бир пайт Рисолат ая дўққиллаганича уйга кириб кетди. Роса икки-уч соат чиқмади. Бу орада Зебо Наргиза билан деярли кўчоқлашиб юриб, кечки овқатни тайёрладилар. Ҳовлига сувлар селиб, чорпожни ўртароққа силжитиб, унга дастурхон тузандилар. Зебонинг қайнукалари ва бошқа қайнсингиллари оналарининг ноўрин гапларидан уялгандек чекка-чеккада юришарди. Анвар ҳам уйга кириб кетганди.

Шундай қилиб, орадан анча вақт ўтди. Тайёрланган овқат совий бошлаган эди. Зебо ўзида қандайдир дадиллик сезди-да, қайнонасининг уйига кириб:

- Ая, туринг, овқат пишиди, бирга овқатланайлик, - деди.

Қараса онанинг кўзлари, ёноқлари қизарган: демак, роса йиғлапти. Зебо ўз-ўзидан хижолат тортиб:

- Ая, ўғлингизнинг гапларига хафа бўлманг. У шаҳарга бориб ишласа, мен шу қишлоқда ишлайвераман, - деди.

Рисолат ая секин ўрнидан туриб, бошидаги дуррасини тўғриллар экан, дилидан: "Қурмагур, башибир маълумотли аёлда, юзаси бўлса-да, сипоришлайпти", деган мулоҳаза ўтди. Кейин "ҳозир чиқаман", деб уй ичиде яна куймаланиб қолди.

Зебо овқатни товоққа солиб, чорпожага элтар экан, Наргизага "аянгнинг қўлига сув қуй", дея ишора қилди. Оила жам бўлиб овқатланди, бироқ даврадаги аввалги руҳ, очик чирой етишмади. Ҳамманинг дилида бўлиб ўтган ноҳуш суҳбатнинг зағаси бор эди.

Ёш оиланинг шаҳарга кўчиб яшаётганига ярим йилча бўлиб қолди. Эр-хотин бир-бирларига аянда суяниб қолишган. Ишга бирга кетиб, бирга келишади. Уларнинг ўзаро ширин муомаласига ҳамманинг ҳаваси келарди. Шу ярим йил давомида Анвар онаси, ука-сингилларини йўқлаб, икки-уч марта қишлоққа бориб келди. Зебо бирга бормади. Унда



ҚИССАДАН ҲИССА

чилик туширди. Рисолат ая фелли-атворизда шундай кескинлик бор бўлиб, баъзан Исонинг аламини Мусодан олишга ҳам тортиниб ўтирмасди. Анварни онасининг шу феллари қийнади, лекин онага қандай танбех бера олди, ахир!

Келин-куёв икки марта Зебонинг ота-онаси хузурига бориб келишди. Бу борди-келди баҳонасида Анвар қудалар ўртасидаги совуқчиликни анча нари суришга эришди. Зебо бунни сезиб: "Аям билан дадамни мўлтонлик билан дарвор қўлга оласиз-а!" - деб эркаланиб қўйди. Анвар ҳам бўш келмади:

- Шундай қилмасан, сизни мендан тортиб олишса, нима қиламан?

- Энди мен сиздан бошқага керакмасман-ку...

- Ҳа, сиз энг аввало менга, фақат ўзимга, қолаверса, ота-оналаримизга, бошқа қариндош-

хона қилиб таклифга кўнмади. Анвар хотинининг юрагидаги тош ҳали эримаганини ҳис этди-ю, ортиқча гап қилмай ўзи кетаверди.

У ҳар сафар қишлоққа борганида онасига ва укаларига бирор совга олиб борар, уни топираётганида, Зебо салом айтиб юборганини айттарди. Бир сафар Наргизани ўзи билан олиб келди. Бундан Зебо ниҳоятда хурсанд бўлди, у қайнсинглисининг беғуборлигини, самимиятини яхши кўрарди. Шунинг учун бир ҳафта шаҳарни томоша қилдириб, чиройли қўйлақлар тикиб бериб жўнатди. Анвар кейинги сафар қишлоққа борганида Зебонинг Наргизага қўрсатган гўмхўрлиги онасига ҳам ёққанлиги, келинга нисбатан метин кўнгли бўшаганини сезди. Чунки Рисолат ая ўғли қайтишида:

- Энди келинни ҳам олиб кел,

ОЛМА ДАВОЛАЙДИ



Қадимий инглиз нақлида: "Қимки олма еб юрса, унга шифокорнинг ҳоҳати йўқ" дейилади. Бу гапда аини ҳақиқат бор.

- **Қандай сортдаги олма афзал?** Парҳез учун ва даволаниш учун биологик фаол олмаларни танлаш лозим. Танани тозалаш учун кўк олмалар керак.
- **Фақат бир ҳафтагина.** Организм кераксиз ва зарарли қичқиндилардан халос бўлиши учун овқат ўрнига олма ейиш лозим. Бу парҳез учун 5 кундан 10 кунгача (ортиқ эмас) керак бўлади. Олманинг миқдори ҳам бунда муҳимдир. Бир кунда 1,5 кг. Олмани 5-6 марта ейиш керак.
- **Уруғи ҳам даво!** Олма уруғларида жуда кўп йод бор. Агар кунига 5-6 дона олма уруғидан ейилса организмнинг йодга бўлган суткалик эҳтиёжи қопланади.
- **Пўчоғи ҳам зарур!** Олма пўчоғи аъло даражадаги сийдик ҳайдовчи воситадир. Олманинг қуритилган пўчоғи 1 ош қошиғида олинб бир стакан қайнатилган сувга солинади. 5-10 минут дамлангач кунига 5-6 марта ярим стакандан ичилади.
- **Хар куни 100 мл.** олма шарбати ва паррагини тановвул қилсангиз, юрагингизга қувват бағишлайди.

ШАМОЛЛАГАНДА, ТОМОҚ ОФРИГИДА, ЙЎТАЛДА...

- **Қиш - ўткир шамоллаш касалликлари авж оладиган давр.** Айниқса, томоғи заиф, иммунитетни паст одамлар кўпроқ ангинага чалинадилар. Ундан сўнг эса йўтал ҳам авжга чиқади. Дорилардан ташқари, бунда фитотерапиядан ҳам фойдаланиш лозим бўлади.
- **Лавлагини қирғичдан ўтказиб суви олинади.** Унга 1 ош қошиғида ош сиркаси (эссенцияси эмас) қўшилади ва томоқ кунига 5-6 марта чайилади.
- **Ангина бошланишида лимон фойдалидир.** Лимоннинг ярмини пўчоғи билан бирга тишлаб оғизда секин-секин айлантириб чайналади. Шундан сўнг 1 соат давомида ҳеч нарса еманг. Бу тадбирни 2 соатдан сўнг такрорланг.

- **Шамоллашнинг олдини олиш учун.** Алоэнинг паст қисмидаги энг катта барглари олинади (бунгача бир ҳафта суғорилмасин), майда тўғралади. Катта аччиқ гармдори уруғи билан бирга майдаланади ва алоэ билан аралаштирилади. Ярим литрли шиша банкага солиниб, устидан 400 гр. ароқ қўйилади. Банка оғзи фолга қорози билан бекитилиб, устидан газлама билан ўралади. 3 ҳафта қоронғи жойда вақти-вақти билан чайқатиб сақланади. Куз, қиш ва баҳорда 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичилади.

- **Йўталда.** 250 гр. лимон пўчоғи билан бирга (уруғи ташлаб юборилади), 5-7 кун музлаткича сақланган алоэнинг 4-5 та барглари олинб, гўшт майдалагичдан ўтказилади ва банкага солинади. Унга 30 гр. коньяк ёки спирт, 50 гр. асал ва 1 дона янги тухум-пўчоғи билан бирга қўшилади. Банка музлаткичнинг пастки қисмига тухум пўчоғи эригунча 10-12 кун қўйилади. Сўнг докадан ўтказилади, ҳосил бўлган суюқлик бутилкада музлаткича сақланади. Хар куни овқатгача 3 маҳал, 1 ош қошиқдан иссиқ сувга қўшиб ичилади.

- **Шамоллашга чалинмаслик, иммунитетни мустаҳкамлаш учун** 300 гр. янги ёки 30 гр. қуритилган қора андиз (девясил) илдизи лозим бўлади. Майдаланган қора андиз илдизи 1 литр сувда 20 минут қайнатилади. Сўнг докадан ўтказилади. Суюқликка 100 гр. шакар, 0,5 стакан олма шарбати қўшилади. Ҳосил бўлган малҳам кунига 3 маҳал, овқатдан ярим соат олдин 3 ош қошиқдан ичилади.

- **Кўкйўталда, тунги қаттиқ йўталда.** Бир бош саримсоқпиезни эзиб майдалаб, 100 гр. сариеғ ёки мол ёғи билан аралаштирилади ва хар куни тунда оёқ тагига сурилади. Бу малҳамдан тери касалликларида ҳам фойдаланиш мумкин.

- **Бурун битганде томизиш учун** 5 дона саримсоқпиез бўлағи майдаланиб, ярим дитр қайнаган сувга солинади-да бир кеча ўраб, дамлаб қўйилади ва докадан ўтказилади. Сурункали тонзиллитда бу малҳам билан томоқни чайиб туриш ҳам фойда беради.

- **Шамоллаш бошланиши биланок** бир ош қошиқдан пиез суви, картошка суви олинб, унга 1 ош қошиқдан кунгабоқар ёғи ва асал аралаштирилади. 1-2 томчи суюқлик хар 1,5-2 соат оралиғида бурунга томизиб турилади.



ГИПЕРТОНИЯ УЧУН ПАРХЕЗ: ГУРУЧ+КОМПОТ

Гипертония, буйрак хасталиклариде, қон айланиши бузилганда, жигар ва ўт халтаси йўлларидаги муаммоларда гуруч+комполти егуликлар парҳези яхши натижа беради. Шундай қилиб сиз бир кунда 6 марта 1 стакандан мева компоти, 2 мартасида сувда тузсиз пиширилган ширин гуручли бўтқа ейишингиз керак. Бунинг учун 1,5 кг. янги ёки 240 гр. қуритилган мевалар, 50 гр. гуруч, 120 гр. шакар ёки асал керак бўлади. Бу тадбирдан сўнг эртаси куниеқ қон босимингиз нормага тушиб қолади.



БАЛИҚ ЮРАКНИ БАҚУВВАТ ҚИЛАДИ

Ҳафтасига балиқ маҳсулотидан тановвул қилиб туринг. Балиқ гўшти юрак хасталигининг олдини олувчи энг яхши даводир. Балиқда инсон организмни учун зарур бўлган барча витамин ва минераллар мавжуд.



ХАВО ТУНД ВА ЁҚИМСИЗ БЎЛГАНДА...

Ёмғир ёғиб турса, шамол бўлса, космосда магнит бўрони кўтарилса кўпчилигимиз ўзимизни ёмон сезамиз. Лекин табиат кайфиятимизни тушириб, иш фаолиятимизни бузишига сираям йўл бермаслигимиз лозим. Эрталаб, ҳали нонушта қилмай туриб, бир неча дона картошкани қайнатинг ва сувини тўкиб юбормай, озроқ совуғач, бир стаканини ичинг. Кун давомида хар 2 соатда 8-10 дона узум ёки апельсин магзидан бир неча донасини енг. Уйку олдидан эса бир стакан иситилган сугта тухум сариғи ва шакар қўшиб совитмай ичиб юборинг. Бундай кунларда аччиқ, шўр, қовурилган овқатлардан сақланган маъкул. Булардаги натрий моддаси қон босимини кўтариб юборади.

ТАБЛЕТКАЛАР ЎРНИГА

Бир неча йиллар аввал австралиялик бир шифокор инсон саломатлиғи ва ёшлигини узок вақт сақлаб қолишнинг давосини топганлигини дунёга маълум қилди. Бу дон ва дуккакли маҳсулотларини ўстириб тановвул қилиш усули эди. Дон ва дуккакли маҳсулотларни ўстириб ёишнинг соғлиқ учун фойдаси катта эканлиғи қадимдан маълум. Эрамиздан 3 минг йил аввал хитойликлар ловия, мош, бугдой каби маҳсулотларни ана шу усулда тайёрлаб ейишни билишган.

Бу усулда тайёрланган егуликнинг афзал томони нимада?

Эндигина илдиз ота бошлаган дон ва дуккакли маҳсулотларда асаб ҳужайралари ва жигарга асқотувчи кўп миқдорда Е витамини бор. Е гуруҳига кирувчи моддалар асаб ва юрак-томир системалар фаолиятини фаоллаштиради. Ўсаётган дондаги ҳужайра организмдан заҳарли моддаларни чиқариб юборади. Бу эса ич қотишининг ҳам олдини олади. Ундаги хром ва литий моддалари стрессларнинг олдини олади.

Нимани ўстириш керак?

Энг афзали бугдой, нўхат, ловия, маккажўхори ўстиришдир. Дон ўсимталарини хар қандай идишда ҳам ўстиравериш мумкин. Шиша банкасининг тўртдан уч қисмига дон солинг ва устидан сув қуйинг. Бир кеча шу ҳолатда турсин. Иккинчи кун сувини тўкиб ташлаб, донни яхшилаб ювинг ва яна банкага солинг. Устини дока билан боғлаб, тарелкага тўнтариб қўйинг-да, суви тўкилиши ва ҳаво кириб турсин учун ёғоч бир нарса билан сал кўтариб қўйинг. 4-5 кунда дон ўсимлиғи тайёр бўлади.

Булар қандай тановвул қилинади?

Кўк ўсимталарни хар-хил овқатга қўшиб еявериш мумкин.



ПИЁЗ МИНГ ДАРДГА ДАВО

Пиёзни одамлар қадим даврларданок истеъмол қилиб келишади. Уни Қадимги Греция ва Мисрда муқаддас санашган. Ҳаттоки байрамларга бир-бирларига совға қилишган.

Пиёз билан рицарлик турнирлари ғолибларини безашган. Бирон бир одамни мақтамоқчи бўлишса пиёз даражасида қадри баланглиғи ҳақида гапиришган.

Дори-дармон сифатида ҳам деярли барча халқлар пиёзни эъзозлашган. Ватанимизда эса пиёзни нафақат овқатга ишлатишган балки бирон касалликни даволашда восита деб ҳам билишган. Қадимги римлик хар куни бир дона пиёзни ейишни шарт деб ҳисоблаган. Пиёз барча дардларни кесиб ташлайди ва куч-қувватни оширади, деган ақида мавжуд бўлган. Ўрта асрлар табиблари пиёз ва асал билан кўпгина дардларни даволай олишган. Шамоллаш ва йўталга чалинсангиз қуйидаги энг қадимий усулни қўлланг: Майда қилиб тўғралган 2 ош қошиқ пиёзга 50 мл. иссиқ сув, ярим чой қошиқ асал қўшинг ва 30 минут тиндириб қўйинг. Шамоллашда 3-5 томчисини бурунга томизинг. 8-10 дона майда тўғралган пиёзни 1 л. сугта солиб эзилгунча қайнатинг. Сўнг бу аралашмага 1 ста-

кан асал қўшинг. Ангина даврида кун бўйи хар соатда 1 ош қошиқдан ичинг. Йўталда ўртача катталиқдаги 2 дона пиёзни майда тўгранг. Стаканнинг 1/4 миқдориде шакар қўшинг, 3-4 стакан сув қўшинг ва куюқ шарбат ҳолатига келгунча қайнатинг. Уни кунига хар 3 соатда 1 ош қошиғида ичинг. Пиёз хидини йўқотиш учун эса ёнғоқ енг.

Пиёздан ичак касалликлари, ич қотиш, геморойда ҳам дори сифатида фойдаланиш мумкин. Пиёзни эзиб сувини хар куни овқатдан олдин 3-4 марта 1 чой қошиқдан ичиб турсангиз ичаклар фаолияти яхшиланади. Газ духовкеси ёки ўчока бир дона пиёзни пишириб олинг ва геморой ишган жойларга 5 минутга қўйинг. Пиёз ўпка фаолиятини яхшилашга ҳам хизмат қилади. Пиёздан тайёрланган дори ўпкадаги микробларни даф қилади, тозалайди. Бир дона пиёз майда тўғралади ва 2 соатга шакар сепилиб, қўйилади. Бир кунда 3-4 марта 1 ош қошиғида овқатдан сўнг ичилади. Бу тадбир ҳафтасига бир марта қилинади.

САИДА ВА ҲАМИДА тайёрлашди.

ЎЗИНГИЗНИ НЕЧА ЁШДА ҲИС ЭТАСИЗ?



Ёши бир жойга бориб қолган эса-да, лекин ёшлик руҳияти, куч-қуввати, ғайратини сақлаб қолган одамларни учратган бўлсангиз керак. Аммо шундайлар ҳам борки, ўзи ёш бўлишига қарамай қиёфасига кексалик тамғаси босилган. Демак, инсон учун унинг неча йил умр қўрганлигидан кўра, қалб ёшлигини асраб қола олганлиги муҳимроқ экан.

Неча ёшга кирганлигингиздан қатъи назар, куйидаги тест саволларига жавоб бериб, ўзингизни синаб кўринг. Берилган фикрлар сизга тўғри келса 4 балл кўйинг, агар қисман тўғри келса 3, тўғри келмаса 2, умуман сизнинг фикрингизга қарама-қарши бўлса 1 балл кўйиб чиқинг.

1. Менимча мен жуда кувнок ва ҳазилқашман.
2. Ўзгалар нима исташини дарров англай оламан. Чунки, ҳис қилиш қобилиятим кучли деган фикрдаман.
3. Мени ҳали олдинда кўп яхшиликлар кутаяпти, дея умид қиламан.
4. Мен билан муомала-муносабатда бўлиш одамларга ёқади, деган фикрдаман.
5. Ҳаётини қарашлари меникидан фарқ қилса-да, ўзини ёқтиришим мумкин.
6. Болаларни яхши кўраман.
7. Ҳар қандай ишларни чин дилдан бажаравераман.
8. Бирон ишга бош қўшарканман, қойилмақом қилиб уйдлашга ҳаракат қиламан.
9. Турли воқеа-ҳодисалар сабабини билишга қизиқаман.
10. Асосий ишимдан ташқари ҳам, бошқа қизиқадиган соҳаларим кўп.
11. Юз берган ҳар қандай ўзгаришларни яхшиликка йўйишга ҳаракат қиламан.
12. Менинг бажараётган ишим одамларга фойдали, деб ҳисоблайман.
13. Баъзида орзуга берилишни хуш кўраман.
14. Яхши муסיқа кайфиятимни кўтарди.
15. Янги ғояларни завқ-шавқ билан кутиб оламан.
16. Қийинчиликлар ва қаршиликлар олдида эсанкираб қолмайман.
17. Беғараз ҳазилни самимиёт билан қабул қиламан.
18. Фикрларимни сира яширмай изхор этишим мумкин бўлган дўстим бор.

19. Жисмоний куч талаб қиладиган фаолият менга хузур бағишлайди.

20. Янги одамларни учратишдан кувонаман.

21. Ҳалигача мен эгаллай олмаган касб-хунарларни эгаллашни истайман.

22. Жозибадор бўлишга ҳаракат қиламан ва бу ҳаракатим бе-самар эмас, деган фикрдаман.

23. Майда-чуйда кўнгилсизликлардан хафа бўлмасликка ҳаракат қиламан.

24. Мен аини дамдаги ҳаётимдан мамнунман.

25. Ҳали ўз қобилиятимни янада тўлақон равишда эгалламан, дея уйлайман.

НАТИЖАЛАР:

75 баллдан юқори. Неча ёшга кирганлигидан қатъи назар, куч-қувватингиз тўлиб-тошиб турибди. Ўз кучингизга ишончингиз мустаҳкам. Ҳамма нарсага қизиқасиз, завқ-шавқли, ҳайрат ва ҳавасга тўлиқ ҳаёт кечирасиз. Шу туфайли ҳам сиз ҳали-бери қарилликка бўйин эгмайсиз.

50-75 балл. Шу ёшга етгунча сиз ёшликнинг баъзи хислат-фазилатларидан айрилгансиз. Ташвишлар, асаббузарликлар туфайли шод-хурам яшашдан кўра, ҳаётга жиддий ва масъулият билан ёндошадиган бўлгансиз. Сизни аллақачон кексайиб қолган, дейиш ҳам қийин. Аммо руҳиятингизни бироз кўтаринки даражада тутсангиз, ҳаётсевароқ бўлсангиз аини мудоадир.

50 баллдан кам. Сизга ўхшаган одамларга кўпни кўрган, ҳамма нарсанинг кадр-қимматини билади, дея баҳо беришади. Лекин шундай даврни бошдан кечириш сиз учун сал эртароқ эмасмикан? Ахир ҳали бу ҳаётда кўп нарсаларни кўришингиз, билишингиз, ҳис этиб бошдан кечиришингиз ҳам керак-ку!

Сиз танлаган аёлнинг феъл-атвори қандайлигини билишни истайсизми? Жумладан, ундан оилавий ҳаётда нимани кутаяпсиз? Унинг севиб киядиган кийими рангига қаранг - ҳаммаси равшан бўлади-қолади!



Синалган ҳақиқатлар

КҮК

Кўк рангни ёқтирувчи аёллар жуда мулоим, нозик таъбдирлар. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам ўзларини тута биладилар, оғир-босиқлик билан муаммолар ечимини топишга интиладилар. Ўзгаларни чидам билан тинглаб яхши ва тўғри маслаҳат беришлари мумкин. Аммо... Баъзида жуда жаддор ҳам бўлишлари мумкин. Улар алдовни, риёни, хиёнатни асло кечирмайдилар. Асосиз танқидни ёмон кўрадилар. Кўк рангни ёқтирувчи аёл билан яшайдиган эркак уни бўлар-бўлмасга қойишдан, тергашдан тийилгани маъқул.

БИНАФША

Бинафша рангни ёқтирувчи аёллар кибрли, гўзал, ўзгарувчан табиатли, кўнгилхушликни яхши кўрувчи бўлишади. Оиладаги кундалик юмушларга тоб-тоқатлари йўқ. "Бинафша" аёлга ҳар қандай эркак ҳам дош беролмаслиги мумкин. Агар "бинафша" аёл билан ҳаётингизни боғласангиз тинмай изланиш, меҳнат қилишингизга тўғри келади. "Бинафша"лар яхши ҳаёт, яхши ҳордиқнигина тан олишади. Эркак "бинафша"нинг кўнглидан чиқиб оила курса, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватласа жуда бахтиёр умр кечиради.

ЎЗГАЛАР НАЗАРИДА ҚАНДАЙ ОДАМСИЗ?

1. Қачон ўзингизни жуда яхши ҳис қиласиз?

- а) уйқудан уйғонган пайтимда - 2 балл;
 - б) тушдан сўнг - 4 балл;
 - в) фақат кечқурун - 6 балл.
- 2. Сиз қандай қадам ташлаб юрасиз?**
- а) катта-катта қадам ташлаб - 5 балл;
 - б) вазиятга қараб ҳар хил - 3 балл;
 - в) шошилмасдан ва бошимни банд кўтариб - 6 балл.

3. Сўхбат пайтида сиз:

- а) қўлларингизни кўкракда чалиштириб турасиз - 4 балл;
- б) қўлларингизни белингизга тираб туришни ёқтирасиз - 6 балл;
- в) беихтиёр сочингизни силаб, кийимларингизни тўғри-лаб турасиз - 2 балл.

ЁРИНГИЗ ҚАНДАЙЛИГИНИ БИЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

ҲАВО РАНГ ВА ОҚ

Ҳаво ранг ва оқ рангни ёқтирувчи аёллар кийинишда, рўзғорда озодаликни, ўзаро муносабат-муомалада эса тартибни жуда ёқтирадилар. Шунингдек, ҳаётда жуда кувнок, чаққон, ғайратли ҳамдирлар. Ҳар хил кўнгил-очар учрашувлар, саёхатлар жони диллари. "Ҳаво ранг ва оқ"лар хушёр ва сазгирдилар. Улар ёлғонни тез илғайдилар ва ўша захоти фикри бузук одамдан воз кечадилар. Бу аёл билан яшовчи эркак уни алдашим мумкин, деб овора бўлмасин.

ҚИЗИЛ

Сиз танлаган аёл қувватининг чек-чегараси йўқ. У билан хушбахт ҳаёт кечириш мумкин. У ҳаммаша воқеалар марказида туради, ҳаёти кизикарли ва кувнок воқеа-ҳодисаларга бой. Аммо сизнинг феъл-атворингиз тинч-сокин бўлса тез орада бундай аёлдан чарчашингиз мумкин. Шундай ҳолга тушмайин десангиз ёрингизни қандайдир бир ишларга ҳаммаша банд этишингиз лозим. Ана шунда унинг бутун куч-қуввати сизнинг хотиржам ҳаётингизни бузмаган ҳолда бошқа оқим бўйлаб оқиб кетади. Фақат шуни унутмангки, телевизор қаршисида чўзилб ётган одамга нисбатан «Қизил» ёрингизда тоб-тоқат йўқ. Унинг ишонган тоғи ва таянчи бўлишга ҳаракат қилинг.

ҚОРА

Қора рангни ёқтирувчи аёллардан эркаклар иложига боришади, ёмон бир иллатдан қочгандек қочишади. Қора рангни ёқтирувчи аёллар ўта шиддатли, қатъиятли, оила тизгинини ўз қўлида маҳкам ушлайди. Аслида "қора" аёллар жуда тартибли, ораста, ақл-идрокли, хушёр. Севги-муҳаббат бобида ҳам қатъиятли ва садоқатли. Ўз севган ёрларни изидан дунёнинг нариги чеккасига ҳам боришга тайёр туришади.

ЯШИЛ

Яшил рангни ёқтирувчи аёллар ҳар томонлама етук, ўзини тута биладиган, ораста, оқила, меҳрибон ва камдан-кам пайтда бировнинг кўнглини оғритишади. Аммо биргина камчиликлари бор. Ўзларига нисбатан ишончсиздирлар. Ана шу иккилангиш туфайли эрларига ҳар доим ҳам таъсир ўтказолмайдилар. Ўзгалар томонидан ҳам тез алданиб қолишлари мумкин. Турмуш ўртоқларининг қўллаб-қувватламаслигидан, лоқайдлигидан азият чекадилар. "Яшил" аёлга эри уни севишини, ҳаммадан гўзал эканлигини айтиб туриши керак.

ТҮҚ САРИҚ

Тўқ сариқ кийимга ўч аёл ўз мақсад ва истакларидан собит эмас. Фаолликда, сўзамолликда, самимиликда "қизил"га ўхшаб кетса-да, аммо у қадр ҳам шижоатли эмас. Ўз фикридан осонгина воз кечиши мумкин. Шу жумладан хушторларидан юз ўгириш ҳам осонлик билан юз беради. Бу аёл бир умрлик ҳамроҳи бўлиб қолишини истовчи эркак ҳаммаша гамаҳўр, эътиборли муносабатда бўлиши, уни янги-янги ғоялар ва ишларга ундаб, интилиб, изланиши лозим.

САРИҚ

Сариқ рангли кийимга ўч аёл сизнинг ошиқ ва эр сифатидаги муомала-муносабатингиз қандайлигига қараб ўзгариб туриши мумкин. "Сариқ" аёл ёри ва ўзига нисбатан қандай муносабатда эканлигига қараб иш юритади. Меҳрибон, гўзал, оқила ва ёки аксинча бўлишлари мумкин. Эркаклардан дўстлари кўп. Аммо, сеvimли ёрларига хиёнат қилмайдилар. Севги-муҳаббат бобида қатъиятлидирлар. Улардан меҳрибон ва садоқатли рафиқа чиқади. Яқин инсоннинг алдаётганини сезгудек бўлсалар, асло кечирмайдилар. «Сариқ» аёл билан бир умрга яшашга жазм этган эркак уни алдашни ҳаёлига ҳам келтирмагани маъқул.

НОДИРА ВА БАСИРА тайёрлашди.

Аёллар учун тест

- 4. Сиз қандай қуласиз?**
 - а) баланд овозда ва очикчасига - 6 балл;
 - б) вазиятга қараб ҳар хил - 4 балл;
 - в) жимгина мийингизда - 2 балл.
- 5. Қандай ҳолатда ухлайсиз?**
 - а) юқорига қараб - 6 балл;
 - б) қорнингизни ерга бериб - 4 балл;
 - в) ёнбош бўлиб - 3 балл.
- 6. Тез-тез тушингизда ўзингизни куйидаги ҳолатлардан бирида кўрасизми?**
 - а) чуқурликка қўлаб тушаётган бўласиз - 2 балл;
 - б) учиб юрасиз - 4 балл;
 - в) яланғоч ҳолда бўласиз - 6 балл.

Энди натижани ҳисобланг:

14-21 балл: Ён-атрофдагилар сизни жавобгарликни доим ўзгаларнинг зиммасига юқлаб қўйишга интиладиган аёл, деб ҳисоблашади. Сизнинг муаммоларингиз жуда кўп ва улар яқинларингизнинг ҳам хотиржамлигини бузади.

22-29 балл: Сизни ақлли, етти ўлчаб бир кесадиған, ўзгаларга гамаҳўр инсон, деб биладилар. Сиз қобилиятли, аммо камтарин аёлсиз.

30-36 балл: Сизни ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилишга қодир етакчи, деб ҳисоблашади. Атрофдагилар сизга қойил қолишади.

ДАРМОН тайёрлади.



578 Ёшим 64 да. Қибрайда яшайман. Аёлим вафот этган. Фарзандларим ташвишдан қутулганман. Уй-жойим етарли. Ҳали бақувват, бардамман. Лекин ёлғизликдан эзилдим. 55 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшайдиган, фарзандлари ташвишдан қутулган аёл бўлса уйланоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Фахриддин ота

579 Ёшим 32 да. Ҳали турмушга чиқмаганман. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Жиддий, кўркем ва оилани қадрлай оладиган қизман. Саранжом-саринишлай ва шинамлики ёқтираман. 37 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, ишлайдиган, оилани таъминлай оладиган, олижаноб бир эркакка турмушга чиқиб, оила қуриш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Азиза

580 Ёшим 50 да. Ажрашганман. Уй-жойим бор. Замонавий ва гўзалликни ёқтирадиган эркакман. Моддий таъминланганман. Машинам бор. 45 ёшгача бўлган, келишган, ажрашган, (бир қизчаси бўлса майли) қаердан бўлса ҳам фарқи йўқ, аёл бўлса уйланиб оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Искандар

581 Ёшим 45 да. Ажрашганман. Тошкент шаҳрида яшайман. Уз уйим бор. Ишлайман. Оилани таъминлай оламан. 40 ёшгача бўлган, ажрашган, (бир кичик фарзанди бўлган), уйим-жойим дейдиган, меҳрибон, мулоийм бир аёл бўлса уйланиб, оила қурган бўлар эдим.
Манзилим тахририятда.
Эргашбек

582 Ёшим 24 да. Турмушга чиқмаганман. Асли тошкентликман. Ота-онам билан яшайман. Уйда чеварлик қиламан. Кўринишим кўркем. Озода, уй-рўзгор ишларини жойига қўядиган қизман. 30 ёшгача бўлган, жиддий, ишлайдиган, аёлини қадрлайдиган, оиласини таъминлай оладиган йигит бўлса, ширин оила қуриб яшаган бўлардим.
Манзилим тахририятда.
Нозанин

583 Ёшим 49 да. Ажрашганман. Асли водийданман. Лекин ҳозир Оҳангарон шаҳрида яшайман. Бир ўғлим бор. Ичмайман, чекмайман, диёнатли эркакман. Эри вафот этган ёки бекфарзандлик боис ажрашган аёл, ёки турмушга чиқмаган, диёнатли, муслима, доно, нозик тазъли, яхши оиланинг фарзанди. 40 ёшгача бўлган қизга уйланоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Рустамжон

584 Ёшим 20 да. Асли қашқадарёликман. Турмушга чиқмаганман. Ота-онам билан яшайман. Ишлайман. Қайси вилоятдан бўлса ҳам ишлайдиган, оилани моддий таъминлай оладиган, жиддий, 25-26 ёшгача бўлган инсонга турмушга чиқиб мустақам оила қуриш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Сарвиноз

584 Ёшим 55 да. Тақдир тақозоси билан ҳозир ёлғизман. Тошкент шаҳрида яшайман. Ишлайман. Моддий камчилигим йўқ. Тошкент шаҳрида яшайдиган, фарзандлар ташвишдан қутулган, уй-жойли, 57-62 ёшгача бўлган эркак бўлса танишиб, оила қуриб яшаган бўлардик.
Манзилим тахририятда.
Шодия

585 34 ёшли, баланд бўйли, келишган укам бор. Ишлайди. Зарарли одатлари йўқ. Унинг бахтли бўлишини жуда ҳам истайман. Тошкент шаҳрида яшайдиган, турмушга чиқмаган, шушрўй, оқила, озода қиз бўлса укамга келин қилган бўлар эдик.
Манзилим тахририятда.
Мунаввара

586 Ёшим 58 да. Асли хоразмликман. Аёлим вафот этган. Маълумотим олий. Намозхон инсонман. Бола-чақаларим ташвишдан қутулганман. Уй-жойим бор. Миллатидан қатъи назар, уйим, оилам дейдиган, садқатли, 50 ёшгача бўлган аёл бўлса уйланиб, бошимга кўтариб юраман.
Манзилим тахририятда.
Комил ака

587 Ёшим 39 да. Ажрашганман. Маълумотим олий. 10 ёшли ўғлим бор. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Зиёли оиланинг фарзандиман. Тақдир экан, бахтсиз бўлдим. Уз уй-жойим бор. Моддий таъминланганман, келишган аёлман. 45 ёшгача бўлган, зиёли, жиддий сабаб билан ажрашган, мустақил, дунёқараш кенг эркак билан тақдиримни боғламоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Юлдуз

588 Ёшим 60 да. Турмуш ўртоғим вафот этган. Фарзандларим уйли-жойлик бўлиб кетишган. Баланд бўйли, келишган аёлман. Пенсиядаман. Тошкентда яшайман. 65 ёшгача бўлган, баланд бўйли, уй-жойи бор, фарзандлари ташвишдан қутулган эркак бўлса, турмуш қурган бўлардим.
Манзилим тахририятда.
Машхура опа

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ!

- Тахририятга умид билан келдим. Асли тошкентликмиз. Қани эди га-зета сабаб жияним ҳам ўз бахтини топиб кетса... - дея гап бошлади кўркемгина жувон ўзини Ҳилола дея таништиргач.
- **Жиянингизни узатмоқчимисизлар?**
- Ҳа, жойи чиқса... Унинг ёши 25 да. Институти тугатган. Маълумоти олий. Жуда пазанда. Уй-рўзгор ишларини жойига қўяди. Нуфузли жойда, яхши лавозимда ишлайди. Олифаликни ёқтирмайди, лекин ўзи дид билан кийинади.
- **Шундай ажойиб фазилатлари бор жиянингизнинг камчилиги борми?**
- Камчилиги йўқ. Унинг қошу кўзлари

589 популдеккина. Жуда одобли, ишқонасида ҳам ҳамма хурматини жойига қўяди. Ўзига қолса-ку, ишга берилиб, турмушга чиқишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Лекин ундан кейин сингиллари бор. Тўғри, бир неча жойдан жиянимга совчилар ҳам чиқди. Ўзимиз истамадик. Чунки уларни яхши танимасдик. Лекин, у ҳам бир оиланинг бекаси бўлиши керак. Жиянимнинг рўзгор ишларини жойига қўйишига, келин бўлиб тушган уйини гуллаиб юборишига ишонман. Агар 30 ёшгача бўлган, ишлайдиган, мустақил, уй-жойли бир йигит бўлса куёв қилган бўлардик.

- Аёлим билан ажрашганман. **590** Исмиим Фурқат, Тошкентликман. Ёшим 43 да. Аёлим билан яхшигина яшаб келаётгандик. Мен ошпазлик қилардим. Ҳаётимиз яхши эди. Лекин қутилмаганда бахтсизлик рўй берди-ю, ҳаммаси ўзгариб кетди...
- **Қандай бахтсизлик? Оилангизга алоқаси бормиди?**
- Онам шўрлик қутилмаганда йиқилиб, боши қаттиқ лат еди. Мен бор пулимни, кучимни ишга солиб онажонимни даволатдим. Тузалиши анча узоқ ва қийин кечди. Шу пайтда анча қийинчиликларни бошдан кечиришга тўғри келди. Лекин аёлим бунга чидай олмади. Уйига кетиб қолди. Шундан сўнг судга ариза

берди, биз ажрашдик.
- **Ҳозир ким билан яшаяпсиз?**
- Онам билан. Онамга қараш учун ишдан ҳам бўшаганман. Чунки унинг ёнида бирорта одам бўлиши зарур. Вақти-вақти билан хушини йўкотади. Шунда тиббий ёрдам қўрсатиш керак бўлади. Худога шукр, уй-жойимиз етарли, уйда бўлсам ҳам ишсиз эмасман. Тўймаъракаларга бориб катта ошларни дамлайман. Менинг оилавий аҳволим билан ҳам танишдингиз. Бу ерга келишимдан мақсад уйдаги шароитимга кўнадиган, оқила, тушунадиган, меҳрибон онамни ҳам хурматлайдиган, 40 ёшгача бўлган, тошкентлик бир аёл бўлса оила курсам дегандим...

Остонада кўхликка аёл кўринди.
- Исмиим Райҳон. **591** Турмуш ўртоғим ун йил аввал вафот этган. Бу ерга минг истиҳола билан келдим. Асли тошкентликман. Нуфузли жойда ишлайман. Бир қизимни узатганман, ҳозир ўғлим билан яшайман. Агар турмуш ўртоғим бевақт вафот этмаганди, бу ерларга келардим?
- **Бунинг сира ҳам айби йўқ. Нега шу пайтгача келмадингиз?**
- Очиғи, жазм этмагандим. Ўтган йиллар давомида қизимни ўқитдим. Турмушга ҳам узатдим. Айтганимдек ўғлим билан яшайман. Шу ҳаётимга кўнгандим ҳам. Болам учун елиб югуришдан бахтиёр эдим. Бирок... Яқинда тобим қочиб, ётиб қолдим. Ўғлим ўқишда эканлигида иситман кўтарилди. Туриб "Тез ёрдам" га кўнгирок қилишга ҳам, ошхонага чиқиб бир пиёла чай қайнатиб ичишга ҳам мадорим етмади. "Ўғлим келса, менга қарайди", - дея аланга-ю, оташ бўлиб кутиб ётдим.
- **Ўғлингиз келгач, сизни парваришладими?**

- Эҳ, қани эди? У келгач аҳволимни кўрди. Иссиғим чиқиб ётганимни ҳам билди. Чой дамлаб ичди-да, қулогига плееерини тикиб, диванга ётиб мусиқа тинглай бошлади. Шунда жуда ўрўлим келди. Йиғлаб юбордим. Ахир болаларим сал "иҳ", деб қолса томоғимдан овқат ўтмай, тонггача тепасида парвона бўлиб чиқардим-ку! Вояга етишгач она ҳам унча керак бўлмай қоларкан, - деб ўйладим. Ваҳоланки, ҳозир ёшман, ишлаб, пул топаман. Ҳали қариб-қартайиб, ишга яроқсиз бўлиб қолсам ҳолим не кечади? Шу боис яхшими-ёмонми ёнимда бир ҳамроҳим, иссиқ-совуғимдан ҳабардор бўлиб, касал бўлсам гамаҳўрлик қиладиган бир меҳрибоним бўлишини истадим. 55 ёшгача бўлган, зиёли, тошкентлик, меҳрибон бир эркак бўлса турмушга чиқардим...

592 Бехзоднинг ташвиши билан келдим бу даргоҳга, - дея гап бошлади навбатдаги аёллардан бири. - Агар фарзандингиз соғ-саломат бўлмаса умрингиз изтиробда ўтаркан. Ўғлимга шифокорлар ДЦП ташхисини қўйишганди. Худога шукр, елиб-югуриб даволатдик. Саломатлиги яхшиланиб, юриб ҳам кетди. Мана нуфузли жойда ишляпти ҳам. Аммо унинг тақдиридан хануз ташвишдаман.
- **Унда яна қандай муаммоси бор?**
- Ўғлимнинг ёши 29 га чикди. Иккин-

чи гуруҳ ногирони. Бирок, барча тенгдошларидек, у ҳам уйланиб оила қуришни орзу қилади... Одамларга яхшилик қилишни ёқтиради. Жуда ақлли, чуқур мулоҳаза билан иш тутади. Бўйлари баланд, жиддий йигит. Ана шу боламга муносиб, 25 ёшгача бўлган, тошкентлик бир қизни келин қилсак, дегандим.
Балки, Бехзод каби бахтли бўлишни истаган қизлар бордир? Улар учун Бехзоднинг манзили тахририятда.
БАСИРА тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20:00. Босишга топширилди - 19:00.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Web-site: oilavajamiyat.uz
Газета тахририят компьютер базасида терибли ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади - 10968
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5